Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1996 йил 11 январь, пайшанба. №5. (21.926). Сотувда эркин нархда.

ТОЖИКИСТОН ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

10 январь куни Тожикистон Республикаси Бош вазири Жамшед Каримов раҳбарлигидаги шу мамлакат ҳукумат делегацияси Тошкентга ташриф буюрди.

Шу куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва 1996 йилдаги хўжалик алоқалари билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида ҳар икки республика ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Жамшед Каримов имзо чекди.

Музокараларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎзА).

ҲОКИМЛАР ЎҚУВИ

Мустақил Ўзбекистонда турли бўғинлардаги раҳбар кадрлар ва жамоатчилик вакилларининг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал ўсиши учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ишларини тубдан яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Бундан мақсад — раҳбар ходимлар янгича ишлаш, янгича фикрлашга ўрганиш имкониятига эга бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бошланган қишлоқ, туман ҳокимларидан бир гуруҳининг ўқуви шу мақсадга қаратилган. Академиянинг профессор ва ўқитувчилари ҳокимларга таклиф қилган бир ойлик жадал ўқув дастури — иқтисодиёт, маънавият, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, кадрлар ва бошқарув илми каби масалалар юзасидан назарий ҳамда амалий билим беришни назарда тутади. Дастурда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» ва бошқа асарларини ўрганишга алоҳида ўрин берилган. Тингловчилар ўқиш давомида демократик қурилиш, бозор муносабатларига асосланган ҳўжалик юритишга оид ривожланган давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш, ўтказилаётган туб ислоҳотларда миллий ва маҳаллий шарт-шароитни, умумбашарий қадриятларни инобатга олиб, уларни амалга оширишда самарали иш тутиш йўлларини ўзлаштирадилар.

Тингловчиларни республика ҳукумати аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, хорижий давлатлар олимлари ва ишбилармонлари билан учрашувлар кутяпти. Улар, шунингдек, вазирликлар, ҳокимликлар, маданий-маънавий муассасалар, қўшма корхоналарда бўлиб баҳслашиш, ўз фикр-хулосаларини амалий тажриба билан таққослаш имкониятига эга бўладилар.

(ЎзА).

● *Иқтисодиёт олами* ● *Иқтисодиёт олами*

Сурхондарёда лимонзорлардан мўл ҳосил олинмоқда. Айниқса, Қизириқ туманидаги Пангин Суюнов раҳбарлигидаги хўжаликда бу борада юқори натижаларга эришиляпти. Бир ярим гектарлик лимонзорда Пангин отанинг саккиз ўғли, олти қизи ва қирқ икки невараси меҳнат қилаётир. Ўтган йили эл дастурхонига 25 тонна лимон етказиб берилди.

СУРАТДА: машҳур цитрусчининг қизи Гулнора апельсин теримида.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ҚИШ БЕКОРЧИЛИК ЭМАС

«Бешкўпир» қишлоқ хўжалиги уюшмаси Қонликўл туманидаги йирик пахтакор хўжаликлардан ҳисобланади.

Бу ерда ўтган йили гектар бошига режадаги 18 центнер ўрнига 21 центнердан ҳосил олиниб, 3800 тоннадан кўпроқ пахта топширилди.

Қиш бекорчилик ойлари эмас. Уюшмада техника ремонти, маҳаллий ўғит жамғариш, шўр ювиш, яхоб суви бериш каби ишлар илдам олиб борилмоқда. Яхоб суви беришдан олдин ерлар сифатли текисланмоқда. Шу кунгача 1200 гектардан кўпроқ майдонга яхоб суви берилди. Маҳаллий ўғит жамғаришда 17 та трактор-тележка ишлаб турибди. Кузги буғдойзорлар озиқлантирилмоқда.

— Республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги нишонланадиган йилда 1800 гектар майдонга барака уруғи қадалади, — дейди уюшма раиси, ЎзХДП аъзоси Б. Назаров. — Ишонамизки, сўзи билан иши бир пахтакорларимиз мустақиллик байрамини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ҒАЛЛА ИККИ ҲИССА ОШИШИ МУМКИН, ЛЕКИН...

Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол» агрофирмаси ғаллакорлари донни икки ҳисса кўпайтириб, йилига 30 минг тонна уруғлик ғалла тайёрлаш имкониятига эгамиз, демоқдалар. Бунинг учун туман ҳудудида жойлашган «Қоровултепа» сув омборининг оби ҳаётини лалмикор майдонларга чиқариш керак. Шу иш бажарилса, ғалла ҳажми икки бараварга ошади.

— «Қоровултепа» сув омбори туманимиздаги лалмикор ерларга сув чиқариш ниятида қурилган эди, — дейди агрофирма раҳбари Аъзам Сулаймонов. — Агар бизга лалмикор ерларни суғориш имконияти яратиладиган бўлса, камида 10 минг гектар ерни суғориб, ўртача ҳар гектардан 30—35 центнердан ҳосил олиш имконига эга бўламиз.

Хўжалик республиканинг дон етиштирадиган ҳудудларини уруғлик ғалла билан таъминлайдиган асосий шахобчалардан ҳисобланади. Ўтган йили бу ерда уруғлик ғалла етиштиришдан 100 миллион сўм даромад қилинди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.



Кейинги пайтда Жиззах оҳак заводи маҳсулотларига истеъмолчилар талаби ортди. Лондондаги махсус лабораторияда Жиззах оҳаги текшириб кўрилиб, унинг аъло навли эканлиги аниқланди.

СУРАТДА: оҳак пишириш бўлими устаси Х. Тожибоев.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Партия ҳаёти

ҚАДР ТОПАЁТГАН ҚАДРИЯТЛАР

Хоразмда барча бўғиндаги партия ташкилотлари Миллий истиқлол мафкураси асосида бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маънавиятимизни равнақ топтириш, қадриятларни тиклаш, жаҳон илм-фани, адабиёт ва санъати тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, инсон камолоти йўлида фидойилик кўрсатган хоразмликлар номини абадийлаштириш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Урганч шаҳрида шаҳарга асос солган, туркий халқлар тарихига оид ўлмас асарлар яратган Хева хони Абулғози Баҳодирхонга ҳайкал ўрнатилди.

Буюк алломалар номи билан аталадиган боғлар, музейлар ташкил қилинмоқда. Хева туманидаги Беруний, Феруз, Огаҳий, Шерозий боғ ва уй-музейлари, Янгиариқ туманидаги Аваз Ўтар, Хонқа туманидаги Навоий, Ҳожихон Болтаев, Шовот туманидаги Махтумқули, Комилжон Отаниёзов, Қўшкўпирда Замахшарий, Урганч туманида Жалолиддин Мангуберди боғлари шулар жумласидандир.

Хева туман партия кенгаши пленумида маънавий қадриятларни тиклаш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида бошлангич партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар тўғрисидаги масала кўрилиб, 51 та туман партия кенгаши аъзоларининг ҳар бирига унутилиб кетаётган маънавий қадриятларимиздан биттасини ўрганиш ва уларни қайта тиклаш юзасидан таклифлар тайёрлаш топширилган эди. Бу борада ўтган даврда қилинган ишларни сарҳисоб қилиш мақсадида вилоят партия кенгаши ижроия бюросида Хева туман партия ташкилоти ҳисоботи тингланиб, хеваликлар тажрибаси барча шаҳар, туман партия кенгашларига тавсия қилинди.

Хева шаҳар, туман бошлангич партия ташкилотлари ташаббуси билан ёғоч ва ганч, мармар ўймакорлиги, кошинкорлик, заргарлик, зардўзлик ва қаштачилик, кўнчилик, қўлда гилам ва палос тўқиш каби халқ ҳунармандчилиги намуналари, устоз ва шогирдлик анъаналари қайта тикланмоқда. Миллий ўйинлар, халқ қўшиқлари, лапарлар янгидан пайдо бўлмоқда, Хоразм мақомлари, достонгўйлик, халфалик, масхарабозлик, фольклор-этнографик ансамбллари қайта тикланди. Бу ишларни амалга оширишда Р. Мадаминов номли, Ўзбекистон», Феруз, Огаҳий жамоа хўжаликлари, «Ичонқалъа» қўриқхона ва бошқа бошлангич партия ташкилотларининг хизматлари катта бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хева шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ белгиланган қатор тадбирларга асосан буюк алломалар ижодига бағишланган илмий-маърифий конференциялар ўтказиш, ўқув даргоҳлари ва муассасаларига буюк бобокалонларимиз номини бериш, мактабларда, ўқув юртларида уларга бағишланган дарслар, суҳбатлар ўтказиш, уларнинг ҳаёти ва ижодига оид китобларни чоп этиш, оммавий ахборот воситаларида туркум мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар бериб бориш кўзда тутилган. Бу тадбирларни бажарилишига кўмаклашиш мақсадида вилоят ҳамда туман партия кенгашлари ўз тадбирларини белгиладилар, тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юбордилар.

Бахтиёр РЎЗМЕТОВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши иккинчи котиби.

Ҳаво тўлқинларида

ИСЛОҲОТ – ИНСОН ЎЧУН

Президентимиз Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида ўша вилоятлар ижодкорларигагина эмас, балки барча журналистлар шаънига ҳақли эътироз билдирдилар. Нега танқидий материаллар кам? Ким тўсқинлик қиляпти? Бу саволлар биз журналистлардан жавоб кутмоқда.

Бир ҳақиқат шуки, вилоятларда яшовчи мухбирларимиз учун ҳам қийин, ҳам осон томонлар бор. Осони — улар ўша ернинг паст-баланди, яхши-ёмонини билишади. Қийин томони — кўпинча ўша ердаги раҳбарнинг қовоғига қарашга мажбур. Шунинг учун ҳам дадил танқидий мақолалар ёзолмаймиз. Агар ёзса, ҳақиқатни ёқтирмаган баъзи кишилар турли йўллар билан мухбирга қарши ҳаракатлар қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳамкасбларимиз тинчроқ юрганим яхши, қабилида иш тутишади.

Республика радиосида Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясидан кейиноқ тузилган тезкор гуруҳнинг бош мақсади жойлардаги мухбирларимиз назаридан четда қолган мавзуларда сўз юритиш эди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон ва Хоразмда ислоҳотларни инсон учун хизмат қилдириш йўлида эришилаётган ютуқлар, тўсиқ ва муаммоларни кўрсатиш ҳам асосий вазифамиз бўлди. Ўтган йилнинг 22 ва 23 декабрь кунлари ҳар куни деярли олти ярим соатдан берилган эшиттиришларда бу мақсад йўлида қандай натижаларга эришдик? Бунга холис ҳакам — тингловчиларимиз баҳо бергани маъқул.

Бундан ташқари, биз мана шу сафар чоғида журналистлар ўзи ёзаётган воқеаларни кўриши, яқиндан танишиши, ўшалар ичаётган «шўр сувни» биргаликда ичиб баҳам кўриши зарур эканлигини яна бир карра ҳис қилдик.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ёнма-ён. Шунинг учун Орол бўйидаги экологик вазиятнинг таъсири ҳам анча яқин. Биз бу ердаги экологик ҳолат ва қийинчиликларни енгиб яшаётган ажойиб инсонларни кўрдик. Улар дарди - ташвиши билан тингловчиларни таништиришга ҳаракат қилдик. Ошкора мулоқотлар берилди. Яна бир нарса, эфирга берилган ҳар бир эшиттиришнинг изсиз йўқолиб кетмаслигини мақсад қилганмиз.

Масалан, биргина Чимбой тумани ва шаҳрига бир йилда олий маълумот олган 22 нафар ўқитувчи ишга бормаган. Қорақалпоғистон бўйича уларнинг сони қанча, деган савол ўртага ташланди. Уларнинг беш йиллик вақти нимага сарфланди? Давлатнинг қанча пули кетган?

Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгеси идораларо йиғилишида Нукусдаги темир йўл вокзалининг уч масъул шахсига аҳволни тузатиш учун бир ой муддат берилди. Улар ишни ўнглаймиз, деб ваъда беришди. Бир ойдан сўнг агар ишни эплай олмаса, улар яна фаолиятини давом эттираверадими? Бу саволга жавоб топиш мақсадида шу муддат ўтгач, яна эшиттириш бермоқчимиз.

Хоразм вилоятининг Хонқа, Урганч ва бир қатор туманларида ўқитувчиларга ойлик маош ўз вақтида берилмаган, нега шундай? Келажак авлод тарбиячилари тайёрланаётган Ал-Хоразмий номли Урганч Давлат университетида эса талабалар шароити жуда ёмон. Бу мавзуда танқидий эшиттириш берилди.

Гуруҳ аъзоларининг мана шу сафари давомида одамларга амалий ёрдами ҳам тегди. Хонқа туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида ишлар анча яхши. Аммо одамлар ҳақиқатни яширмасдан «диктафон»га айтишганидан сўнг эртасига маош берилди. Ёки бўлмаса Гурлан туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида жойлашган ўрта мактабда бўлганимизда иссиқлик тармоғи бутунлай ишламаётган экан. Гуруҳ бориб воқеа билан танишганидан сўнг эртасига мактабнинг иситиш тармоғи тўлиғича ишлаган. Хўжалик раиси хатосини тан олди. Хуллас, ишласа бўлар экан. Шуни айтишимиз керакки, бу республика радиосида ташкил этилган гуруҳнинг дастлабки ишлари. Камчиликлар бўлиши табиий. Режамиз ҳамма вилоятларни қамраш. Одамлар қувончи, дарди, ташвишларини ҳаво мавжлари орқали ошкор этиш. Иложи борича, улар оғирини енгил қилиш. Мақсад — ислоҳотлар инсон учун хизмат қилсин!

Анвар АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистон радиосининг ахборот эшиттиришлари таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ОБУНАЧИ БОР, ТАШУВЧИ ЙЎҚ»

(«Ўзбекистон овози» 1995 йил, 10 октябрь).

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1995 йил 10 октябрида эълон қилинган «Обунаچи бор, ташувчи йўқ» сарлавҳали танқидий мақолага жавобан «Ўзбекистон почтаси» концерни қуйидагиларни маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси алоқа тармоқларининг янги иқтисодий муносабатларга ўтиш шароитида қатор объектив сабабларга кўра, почта алоқаси шахобчасида асосий хизмат турларининг ҳажми қисқармоқда. Айни пайтда хизмат кўрсатиш бўйича сарф-харажатлар доимий равишда ошиб бормоқда.

Фойдалилик даражасини ошириш , тармоқни ривожлантириш учун маблағ қидириб топиш, ходимларнинг моддий таъминотини яхшилаш мақсадида 1995 йилнинг 9 ойи мобайнида республика миқёсида почта алоқаси тармоқларини сақлаб туриш учун керакли сарф-харажатлар қуйидагича қисқарди.

1. 447 та фойдасиз ва фойдалилиги кам алоқа бўлимлари, жумладан, Жиззах вилояти бўйича 16 та.

2. Етказиб берувчи участкаларнинг сони 1219 тага қисқарди, жумладан, Жиззах вилояти бўйича — 20 та.

3. Қисқартирилган иш тартибига:

Алоқа бўлимлари — 536 та.
Жиззах вилоятида — 92 та.
Ходимлардан 1604 киши.
Жумладан, Жиззах вилояти бўйича — 92 киши ўтказилди.

Натижада ходимлардан жами 2981 киши, улардан 1650 хат ташувчилар, шу ҳисобдан Жиззах вилояти бўйича — 158 киши, улардан — 111 хат ташувчилар ишдан бўшатилди.

Умумий даромаднинг катта қисми нафақа тўлашдан тушадиган даромад бўлгани учун, нафақа тўлаш «Саховат» кичик корхонасига ўтказилиши муносабати билан Ўсмат почта алоқаси боғламасининг молиявий аҳволи 1994 йилнинг охирларида ёмонлашди ва йил якуни бўйича кўрилган зарар 89,8 минг сўмни, 1995 йилнинг 9 ойи натижаларига кўра эса 51,7 минг сўмни ташкил этди.

Ўсмат почта алоқа боғламаси оғир молиявий ҳолатдалик даврида туман ҳокимияти билан келишилган ҳолда почта ва матбуотни ҳафтада бир-икки марта етказиб турди.

Ўтган йилнинг 1 ноябридан бошлаб нафақа ва пенсияларни етказиб берувчи кичик корхоналарнинг фаолияти тўхтатилди.

Бунинг оқибатида почта алоқаси корхоналарининг иш ҳажми ошади ва молиявий аҳволи яхшиланади, бу эса Ўсмат почта алоқаси боғламасининг узлуксиз нормал ишлашига имкон беради.

Дарвоқе, Жиззах вилояти, жумладан, Ўсматдаги почта алоқаси бўлимлари 1996 йил ойнома ва рўзномаларга обуна қилиш ишларини қизғин якунладилар.

Концерн раиси Р. ЗИКИРОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Испания ҳукумати Раиси Фелипе Гонсалес бош корсетларни (парламент) тарқатиш ҳамда жорий йилнинг 3 мартида муддатидан аввал парламентга сайлов ўтказиш тўғрисидаги декретни имзолади. Мамлакат Конституциясига мувофиқ, корсетларга 350 нафар депутат ва 208 нафар сенатор сайланиши керак. Сайловда асосий кураш Фелипе Гонсалес раҳбарлигидаги Испания Социалистик ишчи партияси билан Хосе Мариа Ансар бошчилигидаги Консерватив халқ партияси ўртасида бўлиши кутилмоқда.

АҚШДА КУЧЛИ ҚОР БЎРОНИ

АҚШда юз берган кучли қор бўрони оқибатида 40 нафар киши нобуд бўлди. Бир неча шаҳарларда, шу жумладан, Нью-Йоркда ҳам фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Вашингтон, Нью-Йорк, Балтимор, Филадельфия ва Бостондаги аэропортлар вақтинча ёпиб қўйилди. Мамлакат ичидаги авиақатновларнинг учдан бир қисми тўхтатилди. Шунингдек, кўплаб шаҳарлардаги ўқув юртлари ҳам вақтинча ёпилди.

ЯНА БИР ҚЎПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Чеченистонда ҳамон аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Ж. Дудаев тарафдорлари 9 январь куни ярим тунда Доғистоннинг шимолида жойлашган Қизляр шаҳрида пайдо бўлишди. Улар қисқа муддатли отишмадан кейин шаҳар касалхонасини эгаллаб олдилар. Айни пайтда кўплаб кишилар гаровга олинди.

«Маяк» радиосининг кеча тушга қадар берган хабарига кўра, Доғистон Республикаси ҳукумати вакилларининг Салмон Радуев бошлиқ қўпорувчилар билан ўтказган музокаралари натижасида касалхонада гаровга олинган кишилар озод этилган. Дудаевчиларга Чеченистонга тўсиқсиз етиб олишлари учун 11 та автобус, 2 та юк автомашинаси ажратилган. Қўпорувчилар бу автобусларга тахминан 160 кишини (улар орасида Доғистон ҳукумати вакиллари ҳам бор) гаровга олиб Қизляр шаҳридан Гудермесга қараб йўл олишган.

МИТТЕРАН ВАФОТ ЭТДИ

8 январь куни тонгда Франциянинг собиқ Президенти Франсуа Миттеран 80 ёшида вафот этди. Ф. Миттеранинг шахсий секретариати маълумотига қараганда, рак хасталиги ўлимга сабаб бўлган.

Ф. Миттеран 1981 йил ва 1988 йилларда икки маротаба Франция Президенти этиб сайланган. 1995 йилнинг 17 майида бешинчи республиканинг давлат раҳбари лавозимини Жак Ширакка топширган эди.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

• БИ-БИ-СИ: БМТ тез орада Чеченистонга ўз ёрдамини беради, чунки кейинги пайтда бу республиканя тарк этаётган қочоқлар сони кўпайиб бормоқда. БМТ қочоқларга ёрдам бериш мақсадида Чеченистонга қўшимча ходимлар гуруҳини юборишни кўзда тутмоқда.

• РАТА—ТАСС: Африканинг Зоир мамлакатида АН-32 юк самолёти ҳалокатга учради. Самолёт ортиқча юк олгани учун Киншас аэропортидан кўтарила туриб шу яқинидаги кўл кишилик бозор растаси устига қуларди. Тўрт нафар экипаж аъзоси тирик қолди. Афсуски, бозорда савдолашиб турган 250 нафар киши бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлди.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Дил изҳори

АЛАМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА

ёхуд «Майсаранинг иши»ни такрорлаган аёл

Ҳар гал «Майсаранинг иши» асарини томоша қилганимизда кўнглимизга тиниқ нур инади. Саҳна усталари ҳар қандай талқин этмасинлар, ўшаўша шаддод, оқила, ҳақсизликка қарши бош кўтарган аёл рўбарў келаверади. Замонлар эврилди. Аммо у дилимизда, тилимизда нафосат, инжа туйғулар соҳибаси сифатида эъзозланмоқда. Биз ғурбат шамоллари ниҳолдек қаддини эгишга интилганда ҳам ўжарлик билан мақсад сари бора олган аёл ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

У билан суҳбатлашиш осон бўлмади. Унинг иш жойи газета таҳририятига йўқлаб борганда гоҳ қандайдир тадбирнинг бошида тургани, гоҳ узоқ тоғ қишлоқлари шароитини ўрганиш учун жўнаб кетгани ҳақида эшитдик. Ниҳоят, ишхонасида учратдик.

Одатда газета таҳририятларида аллақандай бесаранжомлик, бўёқларнинг ўрнашиб қолган ҳиди дарров сезилади. Майсара опанинг хонаси эса ниҳоятда ораста, дераза токчасида турфа гуллар. Опа қўлимга тутқазган газеталарнинг сарғайиб кетган саҳифаларига, альбомдаги суратларга кўз ташлайман. Эсимда, олтмишинчи йилларнинг охирлари эди. Илк машқларимни редакцияга олиб бордим. Мен билан суҳбатлашган Майсара опанинг истараси иссиқ ва лобар эди. Альбомда ёшлик суратлари кўп экан. Ҳозир ҳам Майсара опа қаддини тик тутади. Аммо ҳаёт ташвишлари беиз кетмаган, айниқса, кўзойнак таққанда улуғ ёш остонасида эканлиги сезилади.

— Ота-онам шифокор бўлишимни исташган эди, — дейди Майсара Ҳайдарова кўзойнагини олиб қўйиб, қоғозга кўп тикилишдан ёшланган кўзларини нафис рўмолча билан артар экан. — Афсуски, уларнинг ниятини рўёбга чиқара олмадим. Шеърият, кейин мухбирлик ўзига мафтун қилиб олди. Олтмишинчи йилнинг бошлари эди. Китобдаги ўрта мактабни битириб, Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетида таҳсил ола бошладим. Ўзимча шеър машқ қилиб юрардим. Бир неча машқларим институт газетасида чоп этилди. Шу-шу адабиёт ўзига оғдириб кетди...

Ўз номи билан ҳаёт-да. Инсон орзуси дарёга ўхшайди: ўзанига сиғмай, кенгликларга интилгани-интилган... Шеърият, газетачилик кўнглига сўнмас ишқ солган Майсара Ҳайдарова тиббиёт институтини тарк этгач, бир неча йил Тошкент вилояти, собиқ Калинин туманидаги «Ленинчи» газетасида адабий ходим бўлиб ишлади. Унинг Меҳнат Қаҳрамони Ҳикоят Абдуллаева ҳақидаги «Тақдирин қўл билан яратур одам» лавҳаси олтмиш олтинчи йилда танловда мукофотга сазовор бўлганди.

Аёл киши учун «бахт» тушунчаси алоҳида аҳамиятга молик. Инсон дунёга иродасини синаш учун келмайди. Аммо орамизда қалбида изтироб бўронлари қўзғолганда ҳам матонат сақлай олганлар қанчадан-қанча. Ниҳолдек қаддини тақдир зарбаларига тутиб берган Майсара опа нолимаса-да, баъзан тўлиб кетади.

— Укажон, бахт деганлари шу бўлса — бахтлиман, — дейди у маъюс тортиб. — Одамлар билан биргаман, уларнинг дарди, қувончи қалбимда. Аммо шахсий ҳаётим ... Бир умр қалбимни тушунадиган инсонни изладим. Табиатан романтик эдим. Қарасам, умримнинг энг навқирон йилларини ўтказиб қўйибман. Кейин тортиндим. Хуллас, турмуш қуролмадим. Бироқ покликни, диёнатни ҳар недан ортиқ кўрдим. Қадримни ерга урмадим. Бошимдан не кўргулик ўтса, енгишга интилдим...

Майсара опа оддий қалб сўзларини айтар экан, унинг матонати ҳақида ўйлаймиз. У киши кўплар учун поклик тимсоли бўлиб келди. Айрим иродасиз аёллар ҳаётнинг чиркин кўчаларига кириб кетганда, Майсара опа улардан нафратланиб яшади. Биронта фисқи-фасодга ошно кимса ҳам Майсара опа ҳақида ўринсиз гап тарқатишга журъат сеза олмади. Бутун ҳаёти, ишлари одамлар кўз ўнгида кечаётган бу аёл аламларни доғда қолдириб яшай олди. Қалам, газета, иш... Етмишинчи йилларда туман газетасида чоп этилган «Ҳаётбахш бармоқлар», «Бемор ва халоскорлар», «Ашурой ҳаётга қайтди» мақолалари — унинг одамлар бахти туфайли қалбида гупирган чексиз қувончлари эди. Бу орада Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетини сиртдан тугатди. Саксон биринчи йилда «Ғалаба»тумани рўзномасида муҳаррир ўринбосари бўлди. Тошкентдаги партия олий мактабининг журналистика бўлимида таҳсил олди. Беш йил аввал муҳаррир этиб тайинланди...

Китоб шаҳар кенгаши ноиби сифатидаги фаолиятидан ҳам эл рози бўлди. Айниқса, туман хотин-қизлар кенгашининг обрў топиши, чинакам жонкуяр жамоага айланишида озмунча хизмати синганми. Кенгаш аъзоси, кенгаш раисаси... Қанчадан-қанча оилалар Майсара опанинг аралашуви билан тикланди. Отаоналар келишмовчилигидан бошларига кулфат соя ташлаётган ғудакларни опичлаб уйларига олиб борди. Ўзига заррача чиркинлик юқтирмаган, тумандаги энг эътиборли бу аёлнинг дил сўзларидан кейин не-не ёш оилаларда низо барҳам топди.

Чинакам журналист учун газета фақат янгиликлар манбаи эмас, юпанч, тиниқ орзу, эртанги кун умидлари ҳам. Ҳам муҳаррирлик, ҳам хотин-қизлар кенгаши раиси вазифаси кўп вақтини олаётган эди. Энди бутун кучини, иқтидорини газетага, унинг ҳақиқий ҳаёт, улуғ ишлар даракчиси бўлишига қаратди. Иқтидорли ва заҳматкаш журналистлардан Лола Ўроқова, Хосият Муҳаммадиева, Ҳусан Раҳмоновлар унга кўмакдош бўлишди. Туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан иқтисодий қийинчиликларни бартараф эта бошлашди. Айни пайтда икки минг хонадонга кириб бораётган газета истиқлол туфайли кечаётган ўзгаришлар, айрим муаммоларни дадил кўтариб чиқмоқда. Ўтган йили тоғ қишлоқларида тупроқ сурилишлари туфайли бошпанасиз қолган кишиларга маънавий мадад бўлди газета. Майсара опа «Кўнгилни тор қилманг», «Бодомзорда қўшалоқ тўй» мақолаларини ўша тоғ қишлоқларида вақтинча тикланган чодирда ёзган эди.

Умрининг чорак асри боғлиқ бўлган, қадрдон газетасининг эъзозланаётгани муҳаррир ва журналист сифатида Майсара опа учун улкан қувонч. Ҳар қалай, унинг ўзи ҳам бахтли аёл. Укаси Ҳайдарнинг рафиқаси Мавлуда билан опа-сингилдан ортиқ иноқ, тотув. Жияни Нилуфарни ғудаклигидан ўзи тарбиялади. Жиянлари — Наргиза ва Марҳаболар уни ўз оналаридек эъзозлашади. Аламларга бўй бермаган, куч-иқтидорини эл-юрт ишига бахшида қилиб келаётган бир аёлнинг бахти шунчалик бўлади-да...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эҳтиром

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ ЧЕКСИЗ

Эзгуликнинг баҳоси бўлмайди, деб эътироф этадилар. Инчунун, неча-неча юракларга яхшилик ифорини таратган, қанча хонадонларга гул бўлиб, нур бўлиб зиё сочган севимли газетамиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» бугун муборак 40 ёшга тўлди. 40 йил қирчиллама ёш. Бир йигит умрининг энг юксак чўққиси. Газетанинг илк сони муштарийлар қўлига бориб текканида дунё юзини кўрган ғўдак бугун қирқ ёшни қоралабди. Умрининг муҳим довонини забт этиб бўлди. Бу ҳазилакам умр эмас. Айниқса, газета учун! Чунки уни ҳар хил кўзлар ўқийди, турли ниятдаги кўнгиллар таҳлил этади. Кирқ йиллар мобайнида у турли теша тегмаган мавзуларда ижод қилди. Кун сайин, ой сайин, йил сайин ўсди, улғайди. Маънавий камолотга эришди, десак асло муболаға бўлмайди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси республикамиздаги нуфузли, ўз обрў-эътиборига эга, ўқишли газеталардан саналадики, шу ўринда у энг хайрли, савобли ишларга доҳл бўлди. Қай бирини санайлик? Номлари унут бўлаётган улуғларимизнинг номини халқимиз дилига пайванд қилишда муносиб ҳиссасини қўшди. Мураккаб даврларда ҳам у сўзидан қайтгани, манзилидан адашгани йўқ, унинг ҳар доим ўз айтар сўзи бўлган. Ҳамиша адолат учун курашди, ҳақиқат сари дадил борди. Қатор йиллар мобайнида у ҳам замона зайлидан, сиёсий хуружлардан четда қолгани йўқ. Лекин бир ҳақиқат аёнки, адабиёт ва санъат ҳамма даврларда ҳам миллатнинг ғамини еган, миллатнинг ғурури, фахри саналган, уларнинг маънавий камолотига жиддий таъсир ўтказган.

Табиийки, ҳозир адабиётимизнинг карвонбошиси бўлган ёзувчию-шоирларимизнинг илк қадамлари ана шу газета остонасидан бошланган. Дастлабки машқларидан тортиб катта, шов-шувли асарларигача мазкур газета саҳифасида мухлисларга етиб борган. Энг қувончлиси, бу аҳил жамоа ҳар доим ўзига юклланган шарафли ва оғир вазифани сидқидилдан адо этиб келаётир.

Мухтасар сўзимиз шул: айни кунларда газета жамоасини бутун ёру-биродарлари, юзлаб-минглаб мухлислари чин кўнгилдан қутлаётган ушбу лаҳзаларда биз ҳам юрак-юрагимиздан кўлимизни кўксимизга қўйиб

ЙИГИТ ЁШИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, — ДЕЙМИЗ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ.

ДУНЁ ОКЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

САРАЕВО. Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель амалий ташриф билан Босния ва Герцеговинага келди. У Босния ва Герцеговина ҳукумати раҳбарлари билан Боснияда тинчликни таъминлаш бўйича Дейтонда имзоланган битимнинг мамлакатда қандай амалга оширилаётгани ҳамда бошқа масалаларни муҳокама қилади.

Германия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Боснияда тинчликни таъминлаш юзасидан имзоланган шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш халқаро конференцияси раиси Карл Бильдт ва кўп миллатли кучлар қўмондони Лейтон Смит билан ҳам учрашади.

***

УФА. Россия Федерациясининг мазкур вилояти ҳудудидан ўтган «Туймаз-Омск-2» нефть қувурининг тешилгани ҳақида илгари хабар қилинган эди. Натижада минглаб тонна нефть «Белая» дарёсига оқиб атроф-муҳит экологиясига жиддий хавф туғдира бошлади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, айни вақтда фалокат оқибатлари бартараф этилмоқда. Мазкур дарёни нефтдан тозалашга 200 га яқин хизматчи ва замонавий техника воситалари жалб этилган.

***

ТБИЛИСИ. Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе мамлакат радиоси орқали мурожаатида — сиёсий ва ҳарбий кучларни бирлаштирган тақдирдагина, Абхазияда тинчлик ўрнатиш мумкинлигини таъкидлади.

Э. Шеварднадзенинг фикрича, Абхазия муаммосини ҳал қилишда Босния тажрибасини, яъни сиёсий ва ҳарбий кучларни уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. «Абхазияда тинчликни ўрнатиш — бутун Кавказда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш демакдир», деди жумладан Грузия давлат раҳбари.

***

УММОН. Америка Қўшма Штатлари Иордания давлатига 300 миллион АҚШ доллари миқдорида ҳарбий ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

Иорданияга ташриф буюрган АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри ушбу мамлакатга яқин кунларда 16 та «Ф-16» русумли қирувчи, 50 та энг замонавий танк ва бошқа ҳарбий техника воситалари етказиб берилишини таъкидлади.

***

ДАККА. Бангладешда ҳукуматга қарши намойиш бошланди. Намойишни мамлакатдаги муҳолиф кучлар қўллаб-қувватламоқда.

Олинган хабарларга қараганда, намойишчилар ҳукумат раҳбарининг истеъфосини ҳамда мамлакат парламентига янги сайлов ўтказишни талаб қилмоқда. Уларнинг фикрича, янги парламент мустақил ҳукумат назорати остида бўлиши керак.

***

ПАРИЖ. Франция Президенти Жак Ширак ривожланган давлатлар раҳбарларининг шу йил апрель ойида ядровий хавфсизлик муаммолари бўйича Москвада бўлиб ўтадиган учрашувида қатнашиш учун Россияга келади. У Жаҳон банки президенти Жеймс Уолфенсон билан суҳбати чоғида ана шундай деди. Учрашувда Франция Президенти ядровий хавфсизлик масалаларига, жумладан, Чернобиль АЭСини ёпиш ҳақидаги Украина билан имзоланган битимнинг бажарилишига жаҳон банки раҳбарининг эътиборини қаратди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Измирдан хат

БИР ДУТОРНИНГ ИККИ ТОРИ

Ўзбекистон ва Туркия мамлакатлари ўртасидаги алоқалар ўзининг узоқ тарихига эга. Халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, урф-одатлардаги муштараклик, қолаверса тил ва дил бирлиги ўзбек-турк халқлари ўртасидаги яқинликнинг ривожланишига мустаҳкам замин яратиб келган. Бугунги кунда ҳам бу анъаналар давом этмоқда. Иқтисод, маданият, фан-техника тижорат, туризм ва бошқа бир қатор соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ишлар олиб борилмоқда. Биз қўйида маориф соҳасидаги алоқаларга алоҳида тўхталиб ўтишни истардик.

Ўзбекистон ва Туркия мамлакатлари раҳбарлари томонидан имзоланган шартномага биноан, мана тўрт йилдирки, талаба ва тадқиқотчилар алмашуви жараёни амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳорижда таълим олаётган ёшларга қарата айттан шундай сўзлари кўнглимизни ёритади: «Туркия диёрида оладиган билимингиз ҳамда орттирадиган тажрибангиз она юртингизнинг гуллаб-яшнаши ва равнақи йўлида зарур эканлиги бир лаҳза ҳам ёдингиздан чиқмасин. Чунки келажак Сиз каби ёшлар қўлидадир». Ушбу эзгу ниятлар 1995 йилнинг ёз ойидан рўёбга чиқа бошлади. Бугунга қадар 90 га яқин киши Туркия олий ўқув юртларида ўқишни тугатиб, магистр ва бакалавр дипломларига эга булиб, мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда турк талабалари Тошкент Давлат университети, Техника университети, Иқтисодиёт университети, Тиббиёт институтида таҳсил олаётган булсалар, ўзбекистонлик 500 га яқин талаба Истамбул, Анқара, Измир, Бурса шаҳарларидаги университетларда ўқишмоқда. Махсус тест синовлари асосида танлаб олинган иқтисод, статистика, бошқарув, молия, жамиятни бошқариш, халқ билан алоқалар, озиқ-овқат технологияси, пейзаж меъморлиги, тўқимачилик муҳандиси, тери технологияси, меҳнат иқтисоди, тил ва адабиёт, қурилиш муҳандиси, меъморчилик, туризм каби ихтисосликлар бўйича таълим олишмоқда.

Ҳозир Туркиянинг Измир шаҳрида 100 дан зиёд ўзбекистонлик талаба таҳсил олмоқда. Ўқиш жараёни асосан Эгей университети, Дўқиз эйлул (9 сентябрь — Туркия озодлиги куни) университети ҳамда ТУМЕР (Тил ўқитиш маркази)да амалга оширилмоқда.

Эгей университети Туркиянинг энг эътиборли илм даргоҳларидан биридир. У ўзининг қарийб қирқ йиллик тарихи ва анъаналарига эга. У биздаги олий ўқув юртларидан бироз фарқ қилади. Тўрт юз ўн саккиз профессор, икки юз ўн етти доцент, жами 2000 дан ортиқ профессор—ўқитувчини бирлаштирган бу олий ўқув юртини ҳар йили уч мингта яқин талаба битириб чиқади. Иқтисодни бошқариш мутахассислиги бўйича бакалавр дипломини олган икки нафар, агрономия, озиқ-овқат технологияси, ЭҲМ муҳандислиги, мева-сабзавотни қайта ишлаш мутахассисликлари бўйича магистр дипломига эга булган ун уч нафар ўзбекистонлик талаба ҳам шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Эгей университети Англия, Германия, АҚШ, Швеция, Голландия, Венгрия, Кипр, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон олий ўқув юртлари билан бир қаторда Ўзбекистондаги Тошкент Давлат университети, Тошкент тўқимачилик ва Енгил саноат институти, Тошкент Тиббиёт институти билан ҳам илмий-техник ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонлик талабалар таҳсил олаётган яна бир университет Измирдаги Дўқиз эйлул (9 сентябрь) университетидир. 1982 йилда ташкил топган бу олий ўқув юрти бугунда унта факультет, тўққиз олий мактаб, олтита марказ ва унта институтни ўз ичига олади. Адабиёт, Ғузал санъатлар, Ҳуқуқ, Иқтисод ва идоравий билимлар, Илоҳиёт, Бошқариш, Муҳандислик, Меъморлик, Тиббиёт каби факультетларга эга булган бу университетда 215 профессор, 154 доцент, жами 1682 профессор ўқитувчи фаолият кўрсатади. Бугунга қадар унта ўзбекистонлик талаба Дўқиз эйлул университетини битириб, туризм мутахассислиги бўйича, бир талаба транспорт муҳандислиги ихтисоси бўйича бакалавр дипломини олди. Еттита талаба эса иқтисод, банк иши, менежмент, жамиятни бошқариш, молия мутахассисликлари бўйича магистр дипломига эга булди.

Камол КОМИЛОВ,
Рустам ШАРИПОВ,
Туркия, Измир шаҳри.

Банк тизими ва иқтисодиёт

ОМОНАТЧИ ОВОРА БЎЛМАЙДИ

Халқ ҳақ гапни айтади. Халқ банкининг Избоскан тумани бўлими жамоаси хизматидан аҳоли мамнунми-йўқми билиш учун айрим кишиларга мурожаат қилдим.

— Жуда хурсанд кўринасиз, ишингиз тез битдими?

— Топдингиз, озгина омонатимни баракали қилиб қайтаришди. Ҳақиқий халқ банкига яраша иш тутишяпти.

Бу сўзларни эшитиб турганлар ҳам қувватлашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилгач, бу ерда аҳолига хизмат кўрсатиш анча яхшиланди.

— Мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти ошиб, банк тизими ҳақида тушунчалар беришга эътибор кучайди. Кейинги пайтда ўнлаб техник асбоб-ускуналар, 5 та компьютер сотиб олинди. Барча компьютерлар билан «муомала» қилишни пухта ўрганишяпти. Бунда тумандаги «Шарқ» фирмаси жамоамизга яқиндан ёрдам бермоқда, — деди халқ банки туман бўлимининг бошқарувчиси Маҳаммаджон Раҳмонов. — Ҳозир бўлимимизнинг 20 га яқин шаҳобчаси жойларда аҳолига хизмат кўрсатяпти. Келгусида яна шунча қўшимча шаҳобча очишни мўлжаллаяпмиз. Аҳолининг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, яқин вақт ичида дам олиш кунисиз, танаффузсиз ишлашга ўтамиз. Омонатчилар овора бўлишмайди. Жаҳон миқёсидаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш учун ходимларимиз чет тилини ҳам ўрганишмоқда.

Аҳолига кўнгилдагидек хизмат қилаётган пешқадам ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Иқтисодчи Ғуломжон Комилов, Туячи шаҳобчаси хизматчиси Холисхон Латипова, назоратчилар Маъмурахон Ғозиева, Дилдорахон Ҳожимуродовалар хизматидан омонатчилар мамнун.

Ҳа, ибратли ишлар кўпчиликнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаяпти. Бўлим жамоасининг омонатчилар манфаатини ўйлаб ҳозиржавоблик билан бажараётган тадбирлари эса ишдаги ютуқлар омили бўляпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Халқ банки туман бўлими бошқарувчиси М. Раҳмонов иш ўрганувчи Ҳ. Раҳматов билан; пастдаги суратда эса назоратчи М. Ғозиева иш устида.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.



БУЮК СИЙМОГА ТАЪЗИМ

Республика маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон социал фалсафа ва миллий маданиятни тиклаш маркази «Маънавиятимизнинг буюк сиймолари» рукни остида туркум давра суҳбатлари уюштиришга киришди.

Дастлабки гурунг ажам ва араб олимларининг устоди деб эъзозланган ватандошимиз, Замахшарийнинг 920 йиллиги муносабати билан ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Алибек Рустамов, доцент Убайдулла Уватов, фалсафа фанлари доктори Турғунбой Саксонов, филология фанлари доктори, профессор Самихон Аширбоев улуғ алломанинг ҳаёти ҳамда серқирра фаолияти ҳақида ғоят қизиқарли маълумотларни ўртага ташлашди.

Даврани олиб борган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, олимлардан Жондор Туленов, Фатхилла Зикриллаев, Турсунхўжа Бобохўжаевлар Замахшарий меросининг ёш авлодни маънавий камол топтиришдаги катта аҳамиятини алоҳида таъкидладилар.

Юнус ЗИЁДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ

"СУВЖИҲОЗГАЗ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

СУВ ВА ГАЗ УЧУН ТУРЛИ МОДЕЛДАГИ ХЎЖАЛИК ВА САНОАТ СЧЁТЧИКЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК КЎП ВАЗИФАНИ БАЖАРА ОЛАДИГАН УНИВЕРСАЛ ГАЗ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ АППАРАТЛАРИНИ СОТАДИ.

Бу аппарат электр пайвандлаш, шунингдек, газ билан пайвандлаш аппаратларининг ўрнини бемалол босади.

У 220 Vдан 380 V гача кучланишли электр қувватида ишлайди. Бу энг қулай ва бир жойда туриб бажариладиган ҳамда кўчма шароитлардаги пайвандлаш ишларида энг универсал аппарат ҳисобланади. Пайвандлаш ишларида 1,5-5 мм. диаметргача бўлган турли электродлардан фойдаланса бўлади.

Бу аппарат ёрдамида турли ёриқларни аниқ пайвандлаш ва ҳар хил пўлатларни, углеродли, зангламайдиган, паст легирланган пўлатларни ва чўянни пайвандлаш мумкин. Электр қуввати эса пайвандланаётган материалнинг ва электроднинг тегишли нуқтаси ва диаметрига қараб кўпроқ ёки камроқ даражада сарфланади. Шу билан бирга газ пайвандлаш аппаратидан фойдаланиш жараёнида турли-туман рангли металларни ҳамда турли пластмасса (челак, тоғора, қувур ва ҳоказо) буюмларни паст даражада пайвандлашда фойдаланиш имконияти бор.

Аланганинг иссиқлик даражасини юқорига кўтариш ёки пастга туширишни бошқариб туриш мумкин.Бу усулда электр пайвандлаш электр қувватини 40 фоизга тежаш имкониятини беради. Газ пайвандлаш эса одатдаги газ пайвандлаш аппаратларига нисбатан хом ашёни 55 фоизга тежайди.

ТЕХНИК ХУСУСИЯТЛАРИ:
Ишга киришиш кучланиши: 380/220V.
Фойдаланишда ишлатиладиган ёнилғи:
А76/А93 бензин
Пайвандлаш миқдори: енгил эрийдиган буюмлар ва пластмассаларни пайвандлаш.
Бензин сарфи: 0,125кг/соат
Электр қуввати сарфи: 30 В/соат
Сарф этилаётган иссиқлик: 1000 даража С
Электр қувватини бошқариш чегараси: 70/160А.
Эркин ҳаракат кучланиши: 50 V
Давомийлиги: (фоиз) 100(70А)
60 (100А)
60 (160А)
60 (160)
Ишлаш пайтидаги кучланиш: 22V/26V
Пайвандлаш учун энг кам электр токи миқдори: 125А.
Энг кам миқдордаги қувват сарфи: 3 KW.
Ҳажми кичик, оғирлиги — 20 кг.

Таъминотчи:
Ўзбекистон — Хитой
"Сувжиҳозгаз" қўшма корхонаси.

Визнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Воровский кўчаси, 26-уй.
Телефонлар: 96-70-94, 96-53-71.

Шунақаси ҳам бўлади

133 ЁШДА ҲАМ МЕҲНАТНИ КАНДА ҚИЛМАСДИ

Жаҳондаги энг қария киши-хитойлик Гон Лайф яқинда 147 ёшида юқумли гепатитга чалиниб, вафот этди. Қизиғи шундаки, у кекса бўлишига қарамай меҳнат қилишдан чарчамади. Гон Лайф 133 ёшгача далада ишлади, лекин оғир меҳнат пайтида оёғи сингандан сўнггина ишни тарк этган. Дарвоқе, унинг овқатланиш тартиби жуда оддий бўлган. Гон Лайф умуман чекмаган, лекин ҳар куни шолидан тайёрланган арақдан оз-оз ичиб турарган.

БОШ ОМОН БЎЛСА...

Сочи шаҳридаги жарроҳлик марказида ғаройиб операция амалга оширилди—жарроҳлар одам бошини қайтадан тиклашга муваффақ бўлдилар.

Гап шундаки, бу шаҳардаги қурилишда ишлаётган туркиялик қурувчининг бошига қувур тушиб, у «мия-юз бўлиниши» ташхиси билан касалхонага келтирилганди. Қурувчининг бундай ҳолатда қандай тирик қолганлигига врачлар ҳам ҳайрон қолишди. Қисқаси, мўъжиза юз берди-қаттиқ жароҳатланган қурувчининг бош мияси ва юзининг ўрта қисмини жарроҳлар бирма-бир «таъмирлаб», бинойидек ҳолга келтирдилар. Ҳозир бемор секин-аста соғлигини тиклаяпти. Ишқилиб, бош омон бўлсин эканда.

ХОТИНИНИНГ ОЛДИГА ЭМАКЛАБ БОРМОҚЧИ

Бўлмаган гап, дейишингиз мумкин. Лекин Москва вилояти Дмитров шаҳарчасида яшовчи 38 ёшли Иван В. мана бир неча ойдирки, шу ниятда машқ қилиб, «старт»га тайёргарлик кўряпти. Иван шу йил баҳорида Дмитров шаҳарчасидан Москвада яшаётган собиқ хотини уйигача (ўртадаги масофа 65 километр) эмаклаб боришга аҳд қилган. У буни, биринчидан, «Гиннеснинг рекордлар китоби»га кириш учун, иккинчидан эса собиқ хотини билан ярашиш мақсадида қилмоқчи эканлигини айтди.

Ислоҳот ва масъулият

ВИЖДОН ОЛДИДА ҲИСОБ БЕРАЙЛИК

Сирдарё вилоятида ислоҳотлар йўлига нималар тўғаноқ бўляпти?

1996 йилнинг дастлабки ўн кунлиги ҳам якунланди. Ана шу қисқа муддат кўп жойларда 1995 йил натижаларига баҳо бериш, босилган қадамлар салмоғини аниқлаш палласи бўлди. Ҳа, хўжалик йили алмашар экан, ҳар бир жамоа, ҳар бир масъул шахс юқори идораларга ҳисоб беради. Лекин ислоҳотларни жорий этишнинг ҳозирги ҳал қилувчи палласида ҳар биримиз энг аввало виждонимиз олдида ҳисоб беришимиз керак. Хўш, 1995 йилда мен ўз имкониятимнинг қанча фоиздан фойдалана олдим, эришилган натижаларда менинг ҳиссам қанча? Савол ана шундай таҳлитда қўйилмоғи керак. Ўшандагина мавжуд аҳволга реал баҳо бериш мумкин бўлади.

Янги йилнинг дастлабки ҳафтасида Сирдарё вилоятига сафар қилдик. Мақсадимиз одамларнинг бугунги кайфияти билан танишиш, имкон қадар уларнинг ўй-фикрларига ошно бўлиш. Адолат юзасидан айтиш керакки, Сирдарё вилоятида бутун халқ бунёдкорона меҳнат билан банд, одамларда ислоҳотлар муваффақиятига ишонч тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бир кун Гулистон пахта тозалаш заводи қошида 2000 тонна толани қайта ишлайдиган фабрика қуриб бўлинганлиги эълон қилинса, эртасига «Малик» хўжалигида соатига 6000 шиша маъданли сув тайёрлайдиган корхона маҳсулот бера бошлаганлиги кўнгилларни шодлантиради, янаги кун эса Ховос туманининг юқори қисмига сув ва газ етказиб бериш бўйича зарбдор қурилиш майдонидан хушхабар одамлар руҳини кўтаради. Демак, олға томон одим қўйиш учун астойдил иш боряпти.

Айни пайтда эришилган натижалар сирдарёликларнинг қўлида эканлиги, уларни ҳеч ким олиб қўя олмаслиги, асосий эътиборни эса ишдаги танг жойларга қаратиш зарурлиги нуқтаи назаридан баъзи мулоҳазаларимизни баён этишга жазм қилдик. Қолаверса вилоят ёки туманлар миқёсидаги турли йиғин ва анжуманларда ҳам раҳбарлар асосан ана шундай тамойил асосида ишлаётганлиги бизни шу йўналишда қалам тебратишга даъват этди.

Сессия бўладими, фаоллар йиғилишими — ислоҳот тақдирини ҳал қилувчи кишилар жамул-жам бўлган жойда эътиборни камчиликларни бартараф этишга қаратиш жудаям тўғри. Биз шуни пайқадикки, шу каби йиғилишларда ҳам ҳар бир одамнинг иш услуби «ярқ» этиб кўринib қоларкан. Масалан, вилоят фаоллари 6 декабрь куни Самарқанд ва Қаршида бўлиб ўтган сессияларда Президентимиз сўзлаган нутқлардан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўз юритишган. Кўпчилик нотиқлар ўз фаолиятларига танқидий қараб, қилинган ишларга таҳлилий баҳо беришган. Лекин бу гапни ўша йиғилишда сўзга чиққан Сирдарё тумани ҳокими Эркин Мавлонов ҳақида айта олмаймиз. Эркин Жайнарович минбарга чиққанда асосий мавзу қолиб, ўз фаолиятини мақташга ўтиб кетган. Туман ҳокими: «1995 йили 1994 йилга нисбатан транспорт соҳасида, қурилиш соҳасида, саноат соҳасида — ҳамма соҳалар бўйича 125 фоиз ўсишга эришдик» деб гапирганда залдагилар ажабланган бўлишлари мумкин. Бу қанақа кўрсаткич? Э. Мавлонов шу оҳангда баландпарвоз нутқ ирод этаётганда вилоят ҳокими уни тўхтатиб қўйди. Нотиққа шундай савол қўйилди: «Нега туманингиздаги хўжаликларда маиший хизмат ривожланмаган, одамлар қишлоқдан шаҳарга келиб соч-соқолини олдиради, туфлисини ремонт қилдиради, пули йўлга кетади? Маманов номли жамоа хўжалигининг собиқ «30 йиллик» (ҳозирги «Болқи ёғоч эли») участкасида на сартарошхона бор, на пойабзал ремонт қиладиган устахона бор. «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида ҳам аҳвол шу. Қачон буларни тузатасиз?» Масала аниқ ва кескин қўйилди. Э. Мавлонов эса бояги баландпарвоз оҳангини йўқотиб қўйиб: «Тўғри, бу бизнинг камчиликларимиз. Биз фаолларимиз билан келишиб олдик. Бу камчиликларни албатта тўғрилаймиз» дея олди, холос. Туман ҳокимининг бу жавоби сизга: «Бажарамиз, хўп бўлади, қойил қиламиз!» деган алмисоқдан қолган қолипли ибораларни эслатмайдими?! Вилоят раҳбари нотиқдан нега туманда пул эмиссияси камаймаётганлигини сўраганида шундай жавоб қилди: «1996 йилда пахта планини бажариб, 40 фоиз толани пул қилиб оладиган бўлсак, бизда умуман эмиссия бўлмайди». Ана холос! Эскича иш услубидан қутулолмаётган раҳбаргина шундай дейиши мумкин. Биз юқорида келтирилган сўзларни шарҳлаб беришни Э. Мавлоновнинг ўзидан илтимос қилдик. «Бизда пул эмиссияси 48 фоиз...». Кечирасиз 5 декабрь куни туманда ўтказилган фаоллар йиғилишидаги маърузангизда «Пул эмиссияси шу кунга 41 миллион сўмни ташкил этади» деган экансиз-ку. Умуман, бу кўрсаткич қанақа бирликда ўлчанади? Ҳоким аниқ гап айтолмай қолди: «Процент ўрнига сўм бўлиб кетдимикан-а». Ҳуллас тайинли жавоб ололмадик. Биринчи раҳбарки, ўз туманидаги кўрсаткичларни аниқ билмагандан кейин бошқалардан нима кутиш мумкин? Ҳокимликнинг умумий бўлим мудири Махсум Атоевдан якунланган йилда пахта тайёрлаш режаси қанча фоизга етганлигини сўраймиз. «Саксон олтимикан» — мужмал жавоб қилди. Аниғи-чи? «Аниғи керакми, ҳозир-да». У туман истиқболни белгилаш ва статистика идорасига қўнғироқ қилди: «Режамиз 37.584 тонна экан, топширилгани 29.038 тонна, демак 77.3 фоиз». Бу аҳволни нима деб изоҳлашни ҳам билмай қолдик. Ахир оддий касб кишилари — у ўқитувчими, шифокорми — бутун мавсум бўйи туман, вилоят, республика бўйича маълумотларни ҳаяжон билан эшитиб, ён дафтарига ёзиб олиб, ўзича ҳисоб-китоблар қилиб юради-ку, Туман ҳокимлигининг бўлим мудири ўзи ишлаётган жойдаги аҳволдан бехабар бўлиши, билмадик, изоҳ йўқ бунга.

Тадбирлар, тадбирлар, тадбирлар... Агар уларнинг бари рўёбга чиққанда эди?! Муболағасиз айтиш мумкинки, турмушимиз тамоман ўзгариб кетган бўларди. Бултур айни шу кезларда Оқолтин тумани ҳокимининг 17 банддан иборат тадбирлари юзага келди ва халқ депутатлари туман кенгашида тасдиқланди. Тадбирда хусусийлашган ва давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарда ишлаб чиқаришни яхшилаш, саноат корхоналари фаолиятини ўрганиб бориш ва амалий ёрдам кўрсатиш, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига пуллик хизматни кўпайтириш каби долзарб масалалар қамраб олинганди.

Афсуски, бу яхши тадбирлар рўёбга чиқмади. Буни биз қуйидаги рақамлардан билиб олсак бўлади: ўн ой мобайнида кичик ва хусусий корхоналар сони 94 тадан 64 тага тушди. Тумандаги ҳиссадорлик жамиятларининг бирортаси ҳам ўз акцияларини сотишни йўлга қўя олмадилар. Ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ҳарчанд уринмасинлар очиқ турга айланмади. Бу йўлда улар тўрачилик тўсиқларини енгиб ўта олмадилар. Чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш ҳам охирига етмади.

Энг ачинарлиси бу эмас: туман меҳнаткашлари ўтган йилда чакки ишламадилар: пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режаларини уддаладилар. Бироқ туманда бирорта мактаб, бирорта болалар боғчаси бунёд этилмади, маҳаллий бюджет ва корхоналар ҳисобидан бирорта уй қурилмади. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш деярли йўқ даражага тушиб қолди. Ўн ой мобайнида аҳолига 96,4 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу аҳоли жон бошига 1 сўм 96 тийинга тўғри келади.

«Мақтанганнинг тўйини кўр» деган халқ мақоли бор. Вилоят ҳокимлигида Оқолтин туманини бизга тавсия этишиб «мактовга арзигулик» деб таърифлашган эдилар. Яхшиси шу бўлса, бундайроғи қандай экан-а?

Тўғриси, Сайҳунобод туманига шу ўйхаёл билан келдик. Об-ҳаво айниб, қалин туман тушганлиги сабабли қишлоқлар қиёфаси, ободончилик даражасини, қурилишлар суръатини кузата олмадик. Аммо якка тартибда уй-жой қуриш учун банкдан қарз ололмай сарсон-саргардон бўлганларнинг норозилигини қалин туман яшира олмади. 1994—95 йилларда фуқароларнинг уй-жой қуриши ёки уй сотиб олишлари учун лимит асосида туманга 628 минг сўм маблағ келиб тушган. Ана шу маблағнинг 154,5 минг сўмини собиқ жамғарма банкининг ходимлари ўзаро бўлишиб олишибди. Уддабуронликни қаранг! Ваҳолонки, шу кезларда қарз олиш учун 127 киши навбатда турган. Шулардан 51 киши банк йўлакларидан йўл топиб қарз олишга муваффақ бўлди. 76 кишига эса қарз тугул банк эшигидан мўралаш ҳам насиб этмади.

Ҳоким тумандаги «тиқ» этган товушни эшитишга қодир. Аммо Сайҳунобод тумани ҳокими Ғанижон Эргашев ён биқинида жойлашган банкда содир бўлаётган номақбул ишларни анча вақтгача «эшитмади», «кўрмади». Нега? Бу саволга жавоб топиш қийин эмас. Кишида сўз ва амалий иш бирлиги бўлмаса бурун тагида содир бўлаётган воқеалардан ҳам бехабар қолади.

1995 йил режасига биноан Сайҳунободда 279 та кичик ва ўрта корхона очилиши мўлжалланган эди. Йил охирида уларнинг сони 74 тага етди. Борлари ҳам рисоладагидай иш олиб бормаётир. Чунки тадбиркорлар қўллаб-қувватланмаётир, ҳокимлик томонидан амалий ёрдам олишмаяпти. Бу эса тадбиркорларнинг қўлини ишдан совутиб, иштиёқини сусайтиряпти.

Туманда тадбирбозлик шу қадар авж олганки, баённомаларнинг уч-тўрт йиллиги бир жойга тўпланса, бемалол одам бўйига етади. Аммо уларнинг таъсир кучи гўдак нафасидан ҳам заиф. Мисол учун халқ депутатлари туман кенгашининг биринчи сессиясида қабул қилган қарорни олайлик. Унда 1995 йилда дон экиладиган майдонлар 1994 йилга нисбатан 2 баравар кенгайтирилиб, 44.000 тонна дон етиштириш белгиланди.

Амалда-чи? Йил охирида аранг 29.380 тонна дон етиштирилди. Хўш, бундай баландпарвоз, осмоний гап кимга керак бўлиб қолди? Туман ҳокимигами ёки ҳокимнинг ваъдасига қонуний тус берган туман кенгашигами? Бу хусусда туман кенгашининг муҳтарам депутатлари бир ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Чунки, қабул қилинган ҳар бир қарор ва тадбирларнинг таъсирчанлигига улар ҳам масъулдир. Амалда мустаҳкамланмаган жонсиз қарорлардан худонинг ўзи асрасин. Бу ҳол одамларнинг ҳафсаласини пир қилади, раҳбарларга ишончни susайтиради.

Сайҳунободда 1995 йил 40 км. газ, 10 км. ичимлик сув қувурлари ётқизилди. 12 км. электр қуввати тармоғи ўтказилди, 15 км. йўл ва йўлакчалар бунёд этилди. Четдан қараган кишига бу рақамлар чиройли кўринади. Бироқ туман ҳокими Ғанижон Эргашевнинг бултур 10 январь куни халқ депутатлари туман кенгашининг биринчи чақириқ биринчи сессияси минбаридан туриб айтган ушбу сўзларига таққослаб кўрингчи: «Аҳолининг ичимлик суви ва табиий газга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида 1995 йилда 21 км. узунликда ичимлик суви тармоқлари, 66 км. узунликда газ тармоқлари, 26 км. электр қуввати тармоқлари ўтказамиз, 23 км. янги йўл ва йўлакчалар қурамиз».

Рақамлардаги тафовутларни пайқагандирсиз? У сўз ва амалий иш бирлигини, қарор ва тадбирларнинг таъсир кучини кўзгуда акс эттиргандай аниқтиниқ кўрсатиб турибди.

Мирзаобод туманида ислоҳотларни жорий этишни жонлантириш учун катта ишлар қилиниши керак. Албатта, бунинг учун пухта режалар белгилаш, одамларни янги марраларни эгаллаш сари эргаштириш керак. Лекин 1995 йилда босиб ўтилган йўлга назар ташлайдиган бўлсак, туманни қайси манзилга бошлашаётганлигини аниқ айтолмайсиз. Ўтган йилнинг 9 январида биринчи чақириқ халқ депутатлари туман кенгашининг I сессияси бўлиб ўтган. Йил бошида аниқ манзилларни белгилаб бериши керак бўлган маърузадан бир парча келтирамиз: «1995 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари кўрилади. Белгиланган дастур асосида корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш давом эттирилади. Хусусийлаштиришдан тушган маблағ туманнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга сарфланади. Тадбиркорлар сафини кенгайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳокимлик олдида турган асосий вазифа бўлиб қолади». Наҳотки шунчалик умумий гапларни одамлар эшитишса?! Бу сўзларни Мирзаободда эмас, бошқа жойда, ҳам айтавериш мумкин. Тўғри, маърузада туманнинг ўзига хос мисоллари ҳам учрайди. Масалан, I сессияда «37 та қишлоқдан 26 таси газлаштирилди. Қолган 11та қишлоқни газлаштириш эса туман ҳокимининг 1995 йил дастурига киритилган» деган сўзлар янгради. II сессиядаги маърузада яна: «Туман бўйича мавжуд 37 та қишлоқдан шу кунгача 26 тасини газлаштирганмиз. Қолган 11 та қишлоқни газлаштириш эса туман ҳокимининг 1995 йил дастурига киритилган» деган сўзлар айнан такрорланган. Бу каби мисоллар маърузадан маърузага кўчиб юраверган. I сессияда туман ҳокимининг сўзлари 15 варақка жойлашган бўлса, кейингисида 18 саҳифани эгаллаган. Ахир ўсиш бўлиш керак-ку. Ҳокимлик ходимлари маҳкамачиликка шу қадар берилиб кетишганки, қўллари қизиб кетганда қоғоз топишолмаган шекилли, купон қоғозларига турли битикларни териб ташлашган.

Йил якунланишига икки ой қолганда Мирзаободга янги ҳоким келди. Абдураззоқ Нажмиддинов ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилгач, вилоят ташкилотларидан бирида раҳбар бўлиб ишлаб келган Баҳодир Ўроловга ишонч билдиришди. Янги ҳоким ҳозир асосий фаолиятини тадбирлар орқали амалга оширяпти. Илгари туманда фаоллар йиғилиши ҳар 3—4 ойда бир ўтказилган бўлса, энди ҳар пайшанба куни фаоллар йиғилиши. Баъзилари соат 17 да, баъзилари 19 да, ҳатто соат 21 да ҳам ўтказиб турилади. Агар ишга нафи бўлса-ку яхши...

— Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессиясидан кейин фаоллар йиғилиши ўтказгандирсизлар? — сўраймиз туман ҳокимлиги котибият бошлиғи Маҳсуд Абдалимовдан.

— Албатта, мана, баённомалар билан танишишингиз мумкин, — ҳозиржавоблик билан деди суҳбатдошимиз.

— Юртбошимиз нутқида Самарқандда пуллик хизмат кўрсатиш республиканинг ўртача кўрсаткичидан 32 фоиз кам, яъни аҳоли жон бошига 300 сўмни ташкил этиши танқид қилинганди. Сизларда бу борада ахвол қандай?

Котибият бошлиғи дарров туман истиқболни белгилаш ва статистика идорасига қўнғироқ қилди: «Набижон ака, бизда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш қанчадан тушади?» Набижон ака ўзи бу рақамни билмаслигини, бу масала бўйича етакчи мутахассис Бахром Пўлатовга мурожаат қилишни тавсия этди. Етакчи мутахассис эса тезда ҳисоблаб чиқиб, сўнг хабар қилишини айтди. Кўп ўтмай 37 сўм 92 тийин деган рақам пайдо бўлди.

Эҳтимол, котибият бошлиғи бу рақамни билиши шартми, деган хаёлга борарсиз? Тўғри, ҳар кимнинг хизмат жабҳаси бор. Лекин котибият бошлиғи ўзини туманда ҳоким бошлиқ команданинг аъзоси, деб ҳисоблай билиши шарт.

Кўп ҳолларда маблағ етишмаслигидан нолишади. Ахир бунинг учун пуллик хизмат тармоғини кенгайтириш кераклигини пойтахтдан келиб эслатиш лозимми? Ҳозир Мирзаобод тумани аҳолиси сартарошхона, телевизор устахонаси, кир ювиш машинаси устаси излаб Гулистон шаҳрига қатнаяпти. Айтайлик, 9-жамоа хўжалигининг охирги участкасидан вилоят марказигача 40 километрдан кўп йўл юришга тўғри келади. Ҳозир ҳамма жойда янги паспорт олиш оммавий тусга кирган. Одамлар суратхона излаб қаерга боришлари мумкин. «Бунинг йўлини қилганмиз, — дейишди ҳокимликда — қўшни Оқолтин туманидан суратчи ёлладик»... «Қойил» дейишдан бошқа иложимиз йўқ!

Мамлакат миқёсида рўй бераётган муҳим воқеалар вилоят ва туманлардаги йиғинларда муҳокама қилиниши, эътибор долзарб масалаларга қаратилиши жудаям яхши. Лекин бундай тадбирлар аниқ мақсадга йўналтирилиши, узундан-узоқ маърузалар юқорига рапорт бериш учун ўқилмаслиги керак. Минбарда айтилган гаплар амалий ишларда тасдиғини топмаса, ундай фаоллар йиғилишининг баҳоси қанча-ю, халқ ишониб қўйган фаолларнинг обрўйи неча пуллик бўлади? Масалан, ўтган йил бошида ўтказилган вилоят Кенгашининг I сессиясида депутатлар дастур қабул қилишганди. Унда ёзиб қўйилишича 98 минг квадрат метр уй-жой, 8 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 200 километр сув ўтказиш тармоғи, 370 километр газ тармоқлари ишга туширилиши мўлжалланган эди. Бу рақамлар, афсуски, қоғозда қолди. Баъзи кўрсаткичлар ярмига ҳам етказилмади. Эътироф этиш керакки, бу дастурда кўрсатилган ғалла етиштириш банди муваффақиятли бажарилди. Сирдарёлик ғаллакорлар мамлакат Президентининг табригини олишга мушарраф бўлдилар. Демак, Сирдарёда қайси ишга астойдил киришилса албатта уддаланади. Ўйлаймизки, вилоятда ўтган йили бой берилган имкониятлар 1996 йилда рўёбга чиқарилади. Мақоламизга шундай якун ясаш учун барча асослар бор.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

ЎЗБАТ ҚЎШМА КОРХОНАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ВАТ

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун энг катта инвесторлардан биридир.

Биронта бошқа саноат компанияси ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти даражасида ишчиларига ғамхўрлик кўрсатмайди.

Биз мутахассисларимиз касби ва маҳоратини оширишига катта имконият ва шароитлар яратиб берамиз. Биз учун бизнесга сармоя жалб этиш — бу сармояни ўз ишини яхши биладиган одамларга сарф этишдир.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида йирик инвестиция компаниясидир.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Марказий Осиёда тамаки ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг илғор даражага эришишни ўзига мақсад қилиб олган.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти бўш лавозимларни эгаллашга ва ёши 40 дан ошмаган ишчиларни Тошкент тамаки фабрикасига, Ургут ферментация заводига ҳамда яқинда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарет фабрикасига қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:

- **муҳандис-механик;**
- **муҳандис-электроник;**
- **техника хавфсизлиги муҳандиси;**
- **ишлаб чиқариш участкаси устаси;**
- **электрик-муҳандис;**
- **технолог-муҳандис;**
- **ишлаб чиқариш бўйича менежер**

Компьютерда ишлаш тажрибаси ва уч йилдан кўп меҳнат стажи эгалари ишга олинишда қўшимча имкониятларга эга бўлади.

Инглиз тилини билиш шарт эмас, аммо билса яхши бўларди. Компанияга садоқатлигингиз нафақат яхши ойлик, шунингдек, янги системалар асосида ўқиш, малака ошириш ва махсус курсларда инглиз тилини ўрганиш имкониятлари билан рағбатлантирилади.

Сўровномани тўлдириш учун уни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:
— Тошкент шаҳар, Носиров кўчаси, 77. Тошкент тамаки фабрикаси.
— Самарқанд шаҳар, А. Рудакий кўчаси, 150. Самарқанд тамаки-ферментация заводи.
— Ургут шаҳар, Навоий шоҳкўчаси, 10. Ургут тамаки-ферментация заводи.

Танлов асосида биринчи босқичдан ўтганлар сўровномани топширгандан сўнг бир ой ичида суҳбатга таклиф қилинади.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси билан биргаликда муваффақиятга эришишда сиз катта имкониятларга эга бўласиз.

ЎЗБАТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
(BAT Central Asia)

Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ВАТ

ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонаси Ўзбекистон иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган инвесторлардан биридир. Биронта саноат корхонаси ўз ходимларига ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонасидек ғамхўрлик кўрсатмайди. Биз ўз мутахассисларимизга касб маҳоратларини оширишлари учун қулай имконият ва шароитлар яратиб берамиз. Биз учун бизнесга сармоя ажратиш — ўз ишини биладиган одамларга маблағ ажратишдир.

ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонаси қуйидаги бўш ўринларга мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ОПЕРАТОР-МАШИНИСТЛАР
Ўрта техник ёки олий техник маълумотга ва ишлаб чиқаришда амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.

МАШИНИСТ– БОШҚАРУВЧИЛАР
Ўрта техник ёки олий техник маълумотга эга бўлган ва ишлаб чиқаришда ёки ўқув юртида (ўқиш даврида) амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.

ЭЛЕКТРИКЛАР
Ўрта махсус ёки олий маълумотли, бошқариш саноат-электрон ускуналарини тузатиш ва назорат қилиш бўйича амалий иш тажрибасига эга бўлганлар

МЕХАНИКЛАР, ЧИЛАНГАРЛАР, ТЕХНИКА СОЗЛОВЧИЛАР
Ўрта техник ёки олий ўқув юртларининг битирувчилари ишлаб чиқаришда ёки ўқув юртида (ўқиш даврида) амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.
Инглиз тилини билиш шарт эмас, аммо билганлар ўз касб маҳоратларини келажакда янада ошириш учун қўшимча имтиёзга эга бўладилар.

САНОАТ-ЭЛЕКТРОН УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР
Ўрта махсус ёки олий маълумотли, рақамли программали бошқариш саноат-электрон ускуналарни тузатиш ва назорат қилиш бўйича амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.

Бўш ўринларга даъвогарлар Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган, кўрсатилган мутахассисликлар бўйича камида уч йил ишлаган ва сменали режим (тартибда) ишлашга тайёр бўлишлари керак.

Тўлдириш учун анкеталарни Тошкент шаҳар, Носиров кўчасидаги 77-уйда жойлашган Тошкент тамаки фабрикасидан олиш мумкин.

Қатъий конкурс асосида дастлабки танловдан ўтган барча даъвогарлар анкетани тўлдириб топширганидан сўнг бир ой мобайнида суҳбатга чақирилади.

ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонасида ишласангиз сиз кўпроқ муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўласиз!

«Титан» хусусий жорийлаш корхонаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

ТАШКИЛОТ

пул ўтказиш йўли билан 50 кг. ва 15 кг. полипропилен ун қопларини ҳамда IBM 486 ДХ2 /66/ 350/S VGA компьютерларини сотади.

Телефонлар:
67-77-41
67-23-74.

"ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ"

Республика акционерлик бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 22 декабрь 15-1-141 сон баённомаси билан Давлат солиқ қўмиталарида рўйхатга олиш муддати узайтирилган, чет элда ишлаб чиқарилган *"РОЙАЛ"* назорат-касса машиналарини хўжалик шаклидан қатъий назар, чакана савдо корхоналарига савдо учун тақдим этади.

Машинанинг нархи 230 АҚШ доллари, (сотилаётган кундаги курс қийматида) Ўзбекистон Республикаси сўмларига, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Манзилимиз: 700091, Тошкент шаҳри, "Янги-Обод" даҳаси, "Тол-Ариқ" кўчаси, 24.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119.
"Янги-Обод" шоҳбекати.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
сўмда пул ўтказиш йўли билан
Тошкентдаги омбордан
турли модификацияли
МАЗ *туркумидаги автомобилларни,*
МТЗ *экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги:* **Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М** *двигателларини,* **АТЗ-10К** *ёқилғи заправкачи машиналарини*
СОТАДИ.
Нархлари завод баҳосидан арзон.
Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй.
Алоқа учун телефонлар:
(3712) 54-94-11, 54-69-72, 54-99-11, 54-62-43, 54-62-09.
"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

Тадқиқотчи нуқтаи назаридан

ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТИ

Давр ва адабиёт муносабати ғоят мураккаб муаммодир. Чунки замоннинг асосий белгиси унинг тинимсиз ҳаракатдалиги, ўзгариб туриши бўлса, асл адабиётнинг бош хусусияти унинг ўзи яратилган замонга қараганда кўпроқ яшашга интилиши, барқарорроқ бўлишга уринишидир.

Замонда туриб замонни кўриш қийин, унинг бирор жиҳатини баҳолаш эса янада мушкул. Шунинг учун истиқлол даври адабиёти, унга хос белгилари ҳақида гапириш ғоят масъулиятли, ҳатто маълум даражада таваккалчиликни талаб қиладиган машғулотдир. Тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан Истиқлолга эришилганига кўп бўлгани йўқ. Бинобарин, унинг ижтимоий, маънавий ва ўзга белгиларини айириб кўрсатиш анчагина мушкул. Айни вақтда, ўтган йиллар шундай салмоққа , шундай ўзгартувчилик қудратига эгадирки, халқ психологияси, дунёни идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш тарзида шунчалик катта ўзгаришлар ясадики, аввалги бир неча ўн йилларда ҳам бундай қилиб бўлмасди. Демакки, ижтимоий тафаккурдаги ўзгаришларни сарҳисоб қилиш, унинг устивор жиҳатларига хос хусусиятларни умумлаштириш лозим.

Истиқлол даври адабиёти ҳам туб сифат ўзгаришларини бошидан кечирди. У коммунистик мафкура йўриқларини образлар зиммасига юклаш билан шуғулланадиган, воқеликни «тарихий тараққиётда», яъни пировардида, коммунизмга келадиган тарзда акс эттиришни аъмоли деб биладиган мафкуравий югурдаклик хизматидан қутулди. Адабиётшуносларимиз айтмоқчи, бадиий адабиёт давлат адабиёти бўлмай қолди.

Энг муҳими, ёзувчилар олам, одам ҳақида аввалгидан ўзгачароқ фикрлаш мумкинлигини англадилар ва ўзлари ҳам шунга кўника бошладилар. Коммунистик мафкуравий адабиёт вакили учун дунё ҳамиша бор эди ва абадий мавжуд бўлаверарди. Одам меҳнат туфайлигина маймундан ҳозирги ҳолига келганди. Оламдаги асосий муаммо эса онг бирламчими ёхуд материя эканини аниқлашдан иборат эди. Жамият фақат синфий курашлар асосидагина тараққий этиши мумкин бўлганидан асарларнинг қаҳрамонлари, кимга бўлса-да қарши курашиб туриши жоиз эди. Курашганда ҳам, албатта, ижобий кучлар, яъни меҳнаткашлар ёхуд боёнларнинг меҳнаткашпарвар вакиллари енгиб чиқишлари зарур бўларди.

Энди маълум бўляптики, оламдаги асосий масала онг ва материя муносабати эмас, Аллоҳ ва Одам муносабати экан, тараққиётнинг омили синфий курашлиги уйдирма, инсоннинг маймундан тарқалгани туҳмат, инсониятнинг беш ижтимоий-иқтисодий формацияни босиб ўтиши ҳақидаги қараш ҳом хаёл экан. Албатта, жамият тафаккуридаги бу янгиланишлар биринчи навбатда, бадиий адабиётда ўз аксини топмоқда.

Оламни, одамни, унинг туйғуларини турлича ифодалайдиган асарлар пайдо бўлмоқда. Бир хил асосдаги рухсат этилган хилма хилликдан чин бадиий турфалик йўлига ўтила бошланди.

Фалсафий асос ўзгариши билан адабиётимизга инсон тасвири тамойилларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Социалистик адабиёт учун асосий мавзу оғизда одам бўлса ҳам амалда унинг меҳнати эди. Одамларга муносабатда ахлоқий мезонлар эмас, ишлаб чиқариш ўлчамлари устувор рутбада бўларди. Бугунги адабиёт учун инсон **бош қадриятга** айланди. Ҳозир: «Пахта, пахта жон пахта», — деб ёзиб бўлмай қолди. Одамнинг мавқеи кўтарилди. Унинг туйғулари, сезимлари, ўйлар оқими билан қизиқила бошланди. Инсон бадиий адабиётда ишчи кучилигидан қутула бормоқда. Айни вақтда, адабиётда тасвир этилаётган инсоннинг масъуллик даражаси ҳам ортди. Одам қанчалик мукаррам бўлса, ўз хатти-ҳаракатлари, ҳатто ниятлари учун ўшанча даражада жавобгар зот тарзида тасвир этила бошланди.

Маркс одамни олижаноб қилмоқ учун у яшаётган жамиятни инсоний қилиб қайта қуриш лозимлигини айтган бўлса, эндиликда одамни яхшиламай туриб жамиятни яхши қилиш мумкин эмаслиги аён бўлди. Ёки шоир айтмоқчи, «Одам тузалмаса, олам тузалмас». Бу шунчаки ҳикматомуз гап эмас. Одам, агар у чин инсон бўлса, комиллик йўлига кирган бўлса, ҳар қандай жамиятда ҳам, ҳар қандай бўғиқ муҳитда ҳам ўзига гард юқтирмай поклигича қолабилиши лозим. У шундагина Яратганнинг марҳаматидан умидвор бўлишга ҳақли.

Истиқлолга эришилгандан кейин яратилган кўпгина асарларда олий рутбага кўтарилган, дунё яралишининг сабаби, адоқсиз илоҳий нур ила йўғрилган зот деб қаралган инсоннинг ҳайвоний ва шайтоний нафси боис гуноҳга мойил ҳамда ўша гуноҳлар туфайли қабиҳликлар ҳам қилишга қодир, айни пайтда қилган гуноҳлари сабаб қийналадиган ўта мураккаб мавжудот экани тасвирланмоқда. Истиқлол адабиёти инсонни жўнликдан, тўпориликдан, анчайинликдан қутқаради. Уни мураккаблаштирди, нозиклаштирди, бир хил қарашлар тизими билан тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайдиган инжиқроқ эканлигини рўй-рост акс эттира бошлади. Бир замонлар:

Инжиқ руҳим май истайди гоҳи-гоҳида
Фақат унинг оғушида топурман ором, —

дегани учун истеъдодли бир шоир бадном қилинган бўлса, бугунга келиб туйғулар нозиклиги, руҳий ҳолатлар турфалиги, кечинмалар инжиқлиги, сезимлар инжилиги ўзини таний бошлаган ҳар қандай одамнинг сифати эканлиги англашилди ва бунга кўникиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам истиқлол адабиёти кўпроқ даражада **шахс адабиёти** (Р. Қўчқоров) бўлиб бормоқда. У оломоннинг, гуруҳнинг, тўданинг, синфнинг кайфиятини, истакларини, майлларини ифода этишдан қутулиб алоҳида инсонни — **шахсни** тадқиқ этишга тутинмоқда.

Истиқлол адабиёти давлат адабиёти бўлмагани учун, адабиётга рахбарлик қилиш сиёсатга айлантирилмаётгани, «ёзувчи ўз ҳолига қўйилгани» (А. Отабой) учун бугун адиб Сўз хизматида, Сўз эса Ҳақ ва Гўзаллик хизматида бўлмоққа тутинди. Бу жараён эндигина бошланди. Ҳали у анча давом этади ва муайян оғриқларсиз осудагина ўтиб кетмайди, албатта.

Бугунги чинакам асарлар ўқувчига ақл ўргатишга, унинг учун «ҳаёт қўлланмаси» бўлишга уринмайди, буни даъво ҳам қилмайди. У кўпроқ сезги, туйғу ҳосил қилишга йўналтирилган. Бу ҳил битиклар ўқувчида муносабат уйғотади. Шу боис бу адабиётни **муносабатлар** адабиёти дейиш мумкин.



Таниқли адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари вазифасида ишлайди. Айни пайтда докторлик илмий ишини якунламоқда.

Абдулла Қаҳҳор жойига келтириб айтиб қўйгандай: «Билган билиб қўяверишмумкин. Ҳис қилган ҳис қилиб қўявермайди». Ҳис қилиш — муносабат, муносабат — фаолият демакдир. Ҳозир битилаётган энг сара асарларда китобхонни руҳий мувозанатдан чиқариш, ўйга толдириш, ўз туйғуларини текширишга, тафтиш қилишга одатлантириш хусусиятлари кучли. Ҳар қандай одамнинг камолот йўлига киргани унинг ўз хатти-ҳаракатига ташқаридан туриб чет назар билан қарай олиш салоҳияти билан аниқланади.

Истиқлол адабиёти мавзу нуқтаи назаридан ҳам, бадиий тасвир тамойиллари жиҳатидан ҳам бирор қолипга солинмаган, табиий равишда тараққий қилаётган эстетик ҳодисадир. Бу адабиёт учун ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиш ўз ҳолича фазилат деб қаралмайди. Бадиий ҳақиқатни акс эттира билиш юксак баҳоланади. Ҳатто Қуръони Каримда ҳам шоирлар наздида шеърларнинг энг ширини, энг ёлғони бўлгани учун Муҳаммад алайҳиссаломга шеър ўргатилмагани таъкидланади.

Кунчиқар адабиёти ҳамма замонларда ҳам нозик қочиримлар, ингичка тасвирлар, инжа туйғулар, фавқулодда муболағалар адабиёти бўлган. Унда тасвир воситаларининг анъанавийлиги, мавзунинг доимийлиги одатдаги ҳолат ҳисобланган. Чинакам истеъдод ҳамма қўл урган мавзуда, ҳамма ишлатиб юрган воситалар ёрдамида бадиий кашфиёт қилиши лозим бўлган. Шунинг учун ҳам минг йиллардан буён қуйланиб келаётган **Гул ва Булбул** тимсоллари кунчиқар адибларининг ҳам, китобхонларининг ҳам меъдасига тегмайди, эскирмайди. Ҳақиқат эскирмагани каби, нон меъдага тегмагани сингари... Ижодкорнинг чинакам санъати эски воситаю йўл билан бадиий янгилик оламини ярата олганидадир. Истиқлол миллий адабиётимизга ана шу қадимий анъаналарга қайтиш имконини берди. Ижтимоий буюртма бажаришдан нозик кўнгил розлари бўлиш мумкинлигини берди.

Ўрни келганда айтиш керакки, Кунботар адабиёти жуда қадим замонлардан ижтимоий йўналишдаги адабиёт бўлиб келган. Худди шу сифат XIX асрда бутун ботиш адабиётининг асосий белгисига айланди. XX асрга келиб ботиш йўналишида ривожланаётган айрим юртларда, хусусан, собиқ СССРда ўта жангари, ашаддий кўринишга кирди. Абадиятга, Халққа хизмат қилиш лозим бўлган бадиий адабиёт замон ва мафкура югурдагига айланди. У ижтимоий буюртмалар ижрочиси бўлиб қолди. Анчагина вақт мобайнида бутун мамлакат миқёсида шу хилдаги қараш ҳукм сургани, ўзгача фикр бўлишига йўл қўйилмагани учун ҳам жуда катта кўпчилик адиблар ва адабиётшунослар шу ҳолатга кўникдилар. У пайтларда бадиий асарларга бериладиган баҳо ҳам битикнинг мафкурага қанчалик мос келишига қараб бериларди. Бадиий ижод давлат иши бўлмай қолгач, асар ёзиш ёки ёзмаслик ижодкорнинг шахсий юмушига айлангач, ҳамма нарса ўз ўрнига тушди ва социализм замонида мукофотларга сазовор бўлган, соҳибига қўшақўша нишонлар келтирган кўплаб битикларнинг санъат нуқтаи назаридан ҳеч нарсага арзимаслиги аён бўлиб қолди. Чунки қофияга солинган қарорлар, образларга бўлиб берилган муаммолар бадиият синовларига бардош бера олмай қолдилар. Бундай иншоларнинг аксарияти яхши одамлар, ўзига хос истеъдодлар томонидан яратилган бўлишига қарамай, мафкурага мўлжаллаб битилгани учун санъат ҳодисасига айланолмадилар. Бу ҳолатга кўникиш, кечагина адабиётнинг мумтоз намунаси бўлган «асарлар» бугун — соф санъат талабларига жавоб бера олмаслиги табиий ҳол эканлигини ҳазм этиш осон кечмаётир. Бир қатор таниқли олимлар совет даврида яратилган ёхуд ташвиқий белгилари яққол кўзга ташланиб турган битикларга соф санъат талаблари билан ёндашиб бўлмайди, бу ҳолда уларнинг ижтимоий тараққиёт олдидаги хизматлари камситилган бўлади, демоқдалар. Шунинг учун ҳам улар бу давр адабиётини соф санъат мезонлари билан ўлчаш мумкинлиги ва лозимлигини тасаввурга ҳам сиғдира олмаётирлар.

Бу жиҳатдан таниқли адабиётшунос олим профессор Умарали Норматовнинг қарашлари характерли: «...XX аср ўзбек адабиёти биринчи галда мафкуралашган, ижтимоийлашган адабиёт. Ўзбек ёзма адабиёти ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ҳеч қачон XX асрдагидек ижтимоий ҳаёт масалаларига бу қадар яқин келган, фаол аралашган эмас... ...асрнинг бошларида етакчи мавқе эгаллаган жадид адабиёти мафкуралашган адабиётнинг ўзгинаси эди... Модомики шундоқ экан, XX аср адабиётини «формал мактаб», «соф санъат» мезони билан текшириб, одилона баҳолаб бўладими? Миллий маданиятимиз, адабиётимиз тарихида улкан бурилиш, янгиланиш палласини бошлаб берган жадид қаламкашларининг илк тажрибалари «Соф санъат» талабларига дош бера оладими? деб ёзади «Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар» мақоласида («ЎзАС», 1995 йил, 3 ноябрь).

Аввало, бадиий адабиёт мафкурадан холи бўлиши керак деган талаб у, умуман, фикрдан холи бўлиши лозим дегани эмас. Ижодкор қанча бўлса, қанча асар яратилган бўлса ўшанча фикр мавжуд бўлган ва бўлаверади, фикр, ғоя билан мафкурани фарқлаш лозим. Мафкура — ҳукмрон гуруҳ, партия ёхуд синфнинг манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган, бинобарин, бошданоқ, ҳолисликдан маҳрум бўлган фикрий қоимдир. Иккинчидан, жадидларнинг маърифатчилик ғоялари мафкура эмас, чунки улар ҳукмрон синф, партия ёхуд давлатнинг манфаатларига мос қарашларни эмас, Аллоҳ иродасига мувофиқ келувчи шахсий фикрларни илгари сурганлар. Учинчидан, «жадид қаламкашларининг илк тажрибалари» ёхуд социалистик реализм тарафдорлари бўлган нишондор адибларнинг битиклари соф санъат талабларига «дош бера олмаса» талаблар айбдор эмас, балки ўша битикларнинг савияси айбдор. Биз талабларни қанчалик бўшаштирмайлик XX асрда яратилган барча иншоларни юксак адабиёт намунаси деб атамайлик уларнинг бадиий умрини узайтира олмаймиз, уларни замон синовларидан бешикаст олиб ўтолмаймиз. Ахир ҳамма даврларда ҳам ёзувчи кўп бўлган, лекин асарлари асрлар оша бизгача етиб келганлари унчалар кўп эмас-ку? Машраб яшаган асрда биргина у қалам тебратмагандир, ўзга юртларга кетишга мажбур бўлган Мирзо Бобурдан ўзга шоирлар ҳам ўтгандир, лекин қани улар? Демак, XX аср адабиётини текшириш учун алоҳида мезонлар тизими ишлаб чиқишнинг ҳожати йўқ. Ва бадиий адабиёт номига даъвогар бўлган асарлар фақат соф санъат нуқтаи назаридан баҳоланишга маҳкум. Чунки санъат асарини фақатгина санъатнинг мезони билан ўлчаш мумкин. Агар у сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ё ўзга бир ҳодисаларнинг ўлчамларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этса, демак санъат ҳодисаси эмас экан.

Бадиий адабиёт ҳеч қачон муаммо кўтариш, ташвиқот учунгина мавжуд бўла олмайди. Марксистик адабиётшунослик учун кўркам ижоднинг асосий фазилати унинг ҳозиржавоблигидан, замонавийлиги (замонасозлиги дейилса, тўғрироқ эди)дан иборат бўларди. Ижтимоий эврилишлар, кескин сиёсий бурилишлар даврида ҳам шунга ўхшаш ижтимоий талаб кучаяди.

Безовта давр безовта дардни, безовта дард безовта туйғуларни пайдо қилади. Маълумки, безовта туйғулар сифати, кўпинча, тиниқ бўлмайди. Шу сабабли бўлса керак, бундан икки-уч йил олдин минглаб кишилар шуурини эгаллаган, тилдан тушмаган, кўпчиликни танг қолдирган муаммовий безовталик адабиёти намуналари бугун деярли унутилди. Орол фожиаси, миллий тил мавқеи, миллий ўзликни таниш, пахта яккаҳокимлиги, ўзбек аёллари аҳволи, экологик вазият, ҳарбийдаги ўғлонларимиз тақдири ҳақидаги оташин, самимий, шу боис таъсирчан битиклар қайга кетди? Ўша пайтда қалбларга титроқ солган, кишини ларзага келтирган бадиий асарлар бугун кимнинг эсида қолди? Ва бир эслаб кўринг, ўша асарлар кўпроқ кимлар томонидан яратилганди? Аслида, ўша битиклар бадиий асарлар эдими? Кўринадики, долзарб муаммони эътиборни тортадиган тарзда таъсирли баён этиш бошқа-ю, чинакам бадиий асар яратиш бошқа экан.

Бадиий асар публицистиканинг вазифасини бажара бошласа, қисмати ҳам публицистикалигига яраша бўлади, яъни муаммо яшагунча, баъзан эса, муаммо одамларнинг эътиборидан қолгунча яшайди. Асл адабиёт фақат даврнинг муаммоларига ечим топишдан, замоннинг саволларига жавоб беришдан иборат бўла олмайди. Кўркам асар кўркамлигининг ўзи билан ҳозиржавобликдан устун, замонавийликдан умри узоқроқ бўлади.

Бадиий адабиётга маънавиятни шакллантириш, миллат аъзоларининг қалбини таркиб топтириш воситаси деб қарар эканмиз, туйғулари нозик, хаёлоти баланд, руҳий нигоҳи ўткир китобхон тарбиялашни орзу қилар эканмиз, истиқлол адабиётининг ташвиқий адабиётликдан қутулиб бораётганидан қувонмоғимиз керак. Дарҳақиқат, бугунги адабиёт одамларга йўл кўрсатишни гарданига олмайди, ўқувчига ақл ўргатмайди, муаллимлик даъвосини қилмайди. У тасвирнинг ингичкалиги, ифодаларнинг кутилмаганлиги билан ўқувчида **муносабат** уйғотади.

Шуни айтиш керакки, истиқлол адабиётимизнинг жозибаси сиртида эмас, ботинда, матн замирида. Бу адабиётнинг асл намуналари осонгина ўқилиб кетилаверадиган асарлар сирасига кирмайди. Бу асарлар ўқувчидан муайян ҳозирликни, интеллектуал-руҳий зўриқишни талаб этади. Одамга, оламга бошқачароқ нигоҳ ташлашни тақозо қилади. Бу адабиётда:

«Мен ғолибман, буюк лашкарман,
Босиб олдим севги юртини» ёки
«Оллоҳим. Мен ўлдим... Мен сенга етдим» ёхуд
«Соғинчимнинг оҳанги маҳзун,
Соғинчимнинг ранги бинафша»

мисраларидаги сингари фавқулоддалик, жайдари тасаввурларни, одатий мантиқий қолипларни бузиш бор.

Истиқлол насри ҳам воқеабозликдан, муаммочиликдан, ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишдан қутулиб бормоқда. Бугунги насримизда инфрареализм, супрареализм, сюрреализм, постмодернизм, абсурд адабиёти хусусиятлари яққол белги бермоқда. Бу ҳолат бизнинг ижодкорларга ҳам Кунботар адабиёти тажрибаларини ўрганиш мумкин бўлганлиги туфайлигина, шунақасига ҳам бир ёзиб кўрайлик деган инжиқ бир истак сабаблигина, шундай ёзиш мумкинлиги боисгина, ўзгаларни қойил қилиш истаги самарасигина эмас, балки мафкуравий бўғовлардан қутулингани боис, инсон ҳар тарафдан тадқиқ этила бошлагани сабаб, ҳар хил инсонни тадқиқ этиш мумкин экани туфайли, одамни фақат меҳнат жараёнида эмас, балки бошқа турфа ҳолатларда кўриш ва кўрсатиш имкони борлиги натижасида содир бўлмоқда. Мабодо, айрим танқидчилар, адиблар бизнинг адабиётимизда сюрреалистик, постмодернистик, абсурд ёхуд ўзга бирор оқим белгилари етишмаётганидан, уларнинг секин ўзлаштирилаётганлигидан куюнса, бу адабиётимизда Кунботар мотивлари камлигидан эмас, балки бадиий тафаккуримизнинг умумжаҳон бадийяти жараёнини ўзлаштиришда асоссиз равишда ортда қолаётганидан қайгураётирлар деб англаш керак. Бизнинг адабиётимизда ҳалигача инсон, унинг ўйлари, ўта мураккаб ва номсиз туйғулари эмас, меҳнат натижалари, ғоявий қарашлари ҳамда курашлари асосий кўрсаткич бўлиб турганидан шиква қилиш деб тушунмоқ лозим. Ўша ғалати, бизга сингишмаётган, бизга мутлақо бегонадек кўринган, лекин тасаввуфий адабиёт саҳифаларидан кўплаб муқобилларини топиш мумкин бўлган, бизнинг синфий курашлар ва ишлаб чиқариш талаблари таъсирида шаклланган бадиий дидимизга ўтиришмаган абсурд ёки бошқа хил асарларда турли табиатли **инсонлар** турлича ракурсларда тадқиқ этиладики, фақат шунинг учун ҳам бу тажриба ўрганишга ва ўзлаштиришга арзийди. Шу маънода Кунботар томондан бизга келаётган турли «изм»лар шунчаки мода эмас, балки ижод эркинлигининг намоён бўлиши тарзларидир.

Китобхонни ҳиссизликдан, туйғусизликдан, лоқайдликдан сақлаб қолишни бош **вазифа**, ўқувчиларни комил инсонлар даражасига кўтаришни бош **мақсад** деб билган ўзбек истиқлол адабиёти мутлақо фикрдан, эътиқоддан, қандайдир қарашлар тизимидан ҳоли эмас. Бу адабиёт социализмда ғоят кўп ишлатилавериб тўзиб кетган «Прокруст тўшаги»дан ҳоли. Яъни, яратилган бирор асарга ҳукмрон ғоя қолипи билан ёндошилмайди балки унга, биринчи навбатда, бадиий ҳодиса тарзида муносабатда бўлинади. Асарнинг ўқувчиси ўз савияси, тайёргарлик даражасига қараб мафкура чиқаргиси келса, чиқариб олавериш эркига эга. Фикрсиз адабиёт бўлмаслиги, мазмунсиз шакл йўқлиги сингари кўп замонлар олдин ҳал этилган муаммодир.

Истиқлол адабиёти чинакамига хилма-хил адабиётдир. Унда турли-туман ижодий тажрибалар қилиш имконияти мавжуд. Шу муносабат билан айрим олимларнинг социалистик реализм адабиётини реабилитация қилишга ўхшаганнамо ҳаракатларига муносабат билдиргимиз келади. Таниқли адабиётшунос У. Норматов ёзади:

«...Хорижда социалистик реализм миллий адабиёт ва санъат ривожига катта кулфат келтирганини кўрган, эшитган эмасмиз. Чунки чинакам демократик мамлакатларда барча ижодий оқимлар, йўналишлар, методлар учун йўл очиқ. Бинобарин, социалистик реализм ҳам кўплаб ижодий методлар қатори яшашга ҳақли». Ҳақлиликка ҳақлидирку-я, лекин яшашга қодир эмас. Биз қанчалик жонкуярлик билан «қўйинглар, тегманглар шунга, бу ҳам ораларингда юраверсин» деганимиз билан социалистик реализм яшай олмайди. Чунки у таги бўш таълимотга — марксизмга асосланган метод. Реализмнинг социалистик ёки бошқа бир хили бўлмайди. Социалистик бўлса, у реализм бўла олмайди. Раеализм ҳаққонийлик экан, воқеликни тушуниш ва бадиий акс эттириш тарзига хос усуллар, тамойиллар тизими экан унда ижтимоий ёндашув етакчи бўлмаслиги лозим. Социалистик реализм эса реалликни шунчаки бузмайди, балки уни социалистларга маъқул тарзда талқин этади, ҳаёт жараёнларини, одамни социалистчасига носоғлом тушунади ва тушунтиради. Социалистик реализм ҳукмронлиги замонларида ҳам чинакам бадийият намуналари яратилган бўлса, бу большевистик методнинг кучи, унинг ҳаётийлиги туфайли эмас, балки социалистик реализм талабларига қарамай, оламни тўғри, соғлом англайдиган ва тасвирлай биладиган истеъдодлар қудрати сабаблидир.

Истиқлол адабиёти ижодкор адабиётдир. У **типик** одамни эмас, балки алоҳида ўзига хос одамни — **типни** тасвир этади. Ўқувчи ўша ҳаммага ўхшамаган, алоҳида одамни тушуниш мобайнида **ўзгани** англай беради. Ўзгани тушуниш **ўзини** англаш сари дастлабки қадамдир. Ҳар бир банда яратган Аллоҳни **ўзини** тушунган даражадагина англай билади.

Адабиётимиз бугунига хос яна бир инжа жиҳат шундаки, унинг асл намуналарини ҳамиша ҳам тушунтириб, изоҳлаб бўлмайди. Аслида ҳам тушунтириш, изоҳлаш мумкин бўлган ҳодиса санъат ҳодисаси эмас.

Асл бадиий адабиёт мантиқ ожизлик қилган жойдан бошланади. Яхшилаб тушунтириш, исботлаш мумкин бўлган нарса санъатга эмас, илмга, адабиётга эмас, мантиққа ёвуқ. Илмий ҳақиқат бир қиёфали, ягона ечимли, бадиий ҳақиқат эса бир неча кўринишли кўп ечимли феноменлардир. Илмий ҳақиқатни исботлаш, далиллар ёрдамида кўрсатиш мумкин, бадиий ҳақиқатни эса исботлаб бўлмайди, уни ҳис қилиш, туйишгина мумкин. Шу боис санъатнинг ечими, талқини кўп, хилма-хил, ҳатто бир-бирига зид ҳам. Биз шу вақтга қадар бир хил англанадиган адабиётга ўрганган эдик. Истиқлол шарофати туфайли кўркам адабиёт ҳодисалари ҳам турфалашиб, ранг-баранглашиб бормоқда.

Истиқлол даврига хос адабиётнинг хусусиятлари ва йўналишлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни бу адабиёт пайдо бўлган вақт борасидаги фикрлар билан якунлаш мумкин деб ўйлаймиз. Бизнингча, истиқлол адабиётининг илдизлари халқимиз ҳаётининг анча наридаги босқичларига, қатламларига бориб етадиган даражада теран. Ҳатто айтиш мумкинки, бу адабиёт маълум даражада истиқлолни маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлади, одамларнинг қалбини ана шу туйғуларни қабул қиладиган даражага келтирди.

Ҳар ҳолда истиқлол туфайли кўркам адабиётимиз ижодкорларнинг ўз юмушига, кўнгил ишига айланди. Раҳбарликдан, раҳнамоликдан, ҳомийликдан қутулди. Талант эгаларининг хусусий иши бўлиб қолди. Бу ҳол ўзбек адабиёти катта адабиёт бўлади деб қилинган башоратнинг воқеликка айланишига умид туғдиради.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари номзоди.

Кўзларинг чароғида,
Қошларинг қирғоғида,
Сочларинг ирмоғида
Азал ошиқ дунё бор,
Ай, даҳани ғунча ёр.

Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

Спорт

МАЙДОН ЭГАЛАРИ УСТУНЛИГИДА

ЮРТИМИЗДА хорижий давлатлар элчихоналари ҳомийлигида мусобақалар ўтказиш анъана тусини олмоқда.

«Соккер-клуб», Германия элчихонаси ва Чилонзор тумани ҳокимлиги хайрли ишга қўл уриб, «Герд Мюллер» кубоги учун футбол мусобақаси уюштирди. «Чилонзор», «МҲСК-2», олимпиада ўринбосарлари билим юрти ва ЮТКО жамоалари ўзаро учрашдилар. «Чилонзор» ўйингоҳидаги бу мусобақа майдон эгалари устунлигида ўтди. Финалда «Чилонзор» ва «МҲСК-2» жамоалари учрашиб, ўйин 2:0 ҳисобида тугади. Бош соврин Германия Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида топширилди.

ЯНГИ МАВСУМГА ШАЙМИСИЗ?

МАМЛАКАТИМИЗДА ўтган футбол мавсумининг якунлари ва янги чемпионат режалари муҳокама қилинмоқда.

Самарқанд вилоят футбол уюшмасида ўтган йилги мавсум сарҳисобига бағишланган йиғилиш бўлди. Ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди. Вилоятда футболни замон талабларига хос ривожлантириш, ўйингоҳларнинг аҳволи, ўйинчилар маҳорати, ўринбосарлар тарбияси ҳақида гап борди. «Динамо» ва «Диёр» жамоаларининг янги мавсум режалари таҳлил этилди. Республика футбол уюшмасида эса мураббийлар ўтган мавсумнинг якунлари хусусида фикрлашдилар. Футболимиз довруғини ошириш, чемпионат низомига ўзгартиришлар киритиш, ўйинлар тақвимини қуръа ташлаш билан белгилаш ҳақида келишиб олинди. Шунингдек, жамоаларда фарм-клуб тузиш, «Пахтакор» хотира-соврини учун мусобақа ўтказиш савиясини ошириш ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилди.

Аломат гаплар

ГИТЛЕРГА АТАЛГАН МАШИНА

Тарихдан маълумки, Муссолини дунёга ҳоким бўлишни орзу қилган Адольф Гитлернинг кўнглини олишда биринчи бўлган. Яқинда Муссолининг буюртмаси билан яратилган «Лянча Астура Люнго» деб номланган қора автомобилнинг ким ошди савдоси бўлди. 1939 йили Муссолини таклифига кўра Гитлернинг ташрифи муносабати билан яратилган бу машина Лондонда 241,5 минг фунт стерлинг (370,8 доллар)га пулланди.

БЕДАВО ДАРДНИНГ ОЛДИ ОЛИНСА-Я?

Машҳур анбаҳ, яъни манго дарахтининг яна бир хосияти маълум бўлди. Ҳинд олимлари ҳайратомуз кашфиёт қилдилар. Уларнинг таъкидлашларича, бу дарахтнинг илдиз ва япроқларидан тайёрланган экстракт бедаво дард—рак ҳамда «XX аср вабоси» — СПИДдан ҳоли бўлишда асқотармиш. Деҳлида ўтказилган табобатчилар йиғилишида инсон имкониятларини тиклаш — иммунология миллий институтининг ходими Шакти Упадхайя бу муолажани ҳайвонларда ўтказиш билан катта самарадорликка эришганлигини маълум қилди. Калькутта шаҳар табобатчилари эса манго япроқларидан тайёрланган малҳамни ишлатиб инсон имкониятлари ожизлигининг олдини олишга муваффақ бўлаётгани ҳақида хабар бердилар. Қизиғи шундаки, бундай дори намуналари Вашингтон тадқиқотчилари томонидан мўъжизакор кучга эга, деб эътироф этилди.

Сўраган эдингиз

«САНТА-БАРБАРА» ДАВОМ ЭТАДИМИ?

Кўпчилик телетомошабинларга маъқул тушган «Санта-Барбара» телесериали яна давом этармикин, деган саволга жавобан шуни маълум қиламизки, ушбу фильм 1996 йил мобайнида Россия телевидениеси орқали кўрсатиб борилади. Россия ойнаи жаҳони мутасаддилари Америка киноменежерлари билан яна бир йиллик битим тузганларидан кейин шу қарорга келинди. Ўйлаймизки, бизда ҳам учинчи дастур орқали телесериал бериб борилса керак. Дарвоқе, фильм қачон ниҳоясига етаркин? Бу саволга фильм режиссёри ҳали «Санта-Барбара»ни суратга олишни тугатмаслигини айтди.

ОЗИШНИНГ АНТИҚА ЙЎЛИ

Инсон боласининг ҳар бир килограмм ортиқча вазни бугунги кунда касаллик, деб баҳоланмоқда, боиси, ҳар килограмм ортиқча юкни сақлаб туриш учун қарийб тўрт километр қил томирлар фаолият кўрсатар, қонни ҳаракатга келтириб, юракни зўриқтириб тураркан. Шунинг учун қорин тўяр-тўймас қўлни артган маъқул экан. Бундан ташқари ортиқча вазн қон босими кўтарилишининг шартли омилларидан саналади.

Яхшиси рисоладаги вазнга келиш учун озиш керак. Бунинг учун икки ҳафта мобайнида кунига уч маҳалдан овқатдан олдин сабзи ва карам шарбатини тенг баробар ҳисобида бир стакандан ичиб турищтавсия этилади. Овқатдан ярим соат илгари бир стакандан наъматак-сули қайнатмасидан ичиш ҳам кони фойда. Кўпроқ пиёда юриш, гўштли, унли таомлар ва ширинликларни камроқ истеъмол қилиш керак. Уйқу олдида илиқ душ қабул қилинг. Қарабсизки, бир ойда 10-15 килограммгача озиб турибсиз.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 03.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.